

# “ТАСВИРИЙ САНЪАТДА КОМПОЗИЦИЯ АСОСЛАРИ”



- ❖ ЎзДСМИ хузуридаги Тармоқ маркази
- ❖ “Графика” (турлари бўйича) йўналиши
- ❖ Профессор М.Собиров

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан  
тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига  
мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчи:**

**Тузувчи:**

К.Бехзод нимидаги МРДИ “Миниатюра ва китоб графикаси” кафедраси доценти  
Сабиоров Мирхамид Мухамеджанович.

**Такризчилар:**

**Хорижий эксперт:** Тяджун Иун (Лужин Иун) -Ўзбекистондаги Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОІСА) томонидан шартнома асосида МРДИ “Миниатюра ва китоб графикаси” кафедрасида волонтер ўқитувчи.

Хаджиметов Б.Б. – К.Бехзод нимидаги МРДИ “Миниатюра ва китоб графикаси” кафедраси профессори.

Ўқув -услубий мажмуа ЎзДСМИ Илмий методик  
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган  
(2020 йил “29” январдаги 1-сонли баённома)

## МУНДАРИЖА

<b>I.</b>	<b>ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>3</b>
<b>II.</b>	<b>МОДУЛНИ ҰҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>10</b>
<b>III.</b>	<b>НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>14</b>
<b>IV.</b>	<b>АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>72</b>
<b>V.</b>	<b>КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ БАНКИ.....</b>	<b>80</b>
<b>VI.</b>	<b>КЕЙСНИ БАЖАРИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР... </b>	<b>88</b>
<b>VII.</b>	<b>ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>95</b>
<b>VIII.</b>	<b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>102</b>

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

#### **“Тасвирий санъатда композиция асослари” модули мақсади:**

- педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

#### **“Тасвирий санъатда композиция асослари” модулининг вазифалари:**

- “Графика”(турлари бўйича)йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

-мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

-маҳсул фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Графика”(турлари бўйича)ўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Тасвирий санъатда композиция асослари”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалр доирасида:

#### **Тингловчи:**

- Композиция ҳақида умум тушунча;
- тасвирий санъатда композиция;
- композиция таркиби;
- композиция асослари;
- композицияда чизик, ритм, симметрия, асимметрия;
- композицияда силуэт, стилизация, статика ва динамика;
- композицияда марказ, мувозанат, диалог, “Олтин кесим“

тушунчаларининг ўрни:

- композицияда ранг, ёруғлик, рангни физик ва бадиий хусусиятлари, рангшунос олимлар (Ньютон, И.Гёте, Отто Рунге, И.Иттен)нинг қўшган хисалари;

- рангнинг инсон руҳиятига таъсири;
- композицияни тақдимотга тайёрлаш усуллари;
- фанни ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланишни

**билиши** керак.

- тасвир ишлашда чизик турларидан мақсадли фойдаланиш;
- композиция асос тушунчаларини ижодий фаолиятда қўллаш;
- композицияда ритм, симметрия, асимметриядан амалий қўллаш;
- чизматасвир ва рангтасвирнинг ўзига хослиги англаш;
- композиция марказини шаклан ва тусда кўрсатиб бериш;
- ахроматик, хроматик ранглар қоришмасида мураккаб рангларни тайёрлаш;

- тасвирий санъат асарининг сифатли кўриниши таъминлаш;
- сурат ишлашда бўёқ турларидан унумли фойдаланиш **кўникмаларига**

эга бўлиши лозим.

- мумтоз ва замонавий рассомлар асарларини таҳлил қилиш;
  - ижодий фаолиятда асос тушунчаларини амалда қўллаш;
  - бадий асар мавзусини очиб бериш;
  - санъат ихлосманди диққатини асарга жалб қилиш;
  - композиция таркибида турли фактураларни мақсадли қўллаш;
  - тасвирий санъат асарининг умрини узайтириш;
  - тасвирий санъат асарларини таҳлил қилаш;
  - ижро жараёнида бўёқ хусусиятини этиборга олиб ишлаш;
- малакаларига** эга бўлиши зарур.

- жойларда композиция асослари ҳақидаги маълумотларни етқизиш;
  - тасвирий санъат асарининг сифатли кўриниши тامينлаш;
  - ижодий фаолиятда композиция асосларини қўллаш;
  - композицияда ишлашда рангларнинг инсон руҳиятига таъсирини инобатга олиш;
  - музей, кўргазма залларида намойиш қилинган асарларни бадий таҳлил қила олиш;
  - замонавий санъат турлари, оқимлари, концепцияларини таҳлил қила олиш;
  - кўргазмалар ташкил қилиш;
  - юртимизага тасвирий санъат ривожига ютуқ ва муаммоларини ҳақида теран фикрлаш ва матбуотда баён қилиш;
  - замонавий педагогик технологияларни унумли қўллаш
- компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

“Тасвирий санъатда композиция асослари” модули ҳозирги кунда таълимнинг замонавий методлари, ахборот коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган. Маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, техник воситалардан, ҳамда илғор педагогик технологиялар ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Тасвирий санъатда композиция асослари” модули мазмуни ўқув режадаги, “Композиция фанининг анъанавий ва замонавий ашёлари”, “Композицияда услублар ва бадий таҳлил”, “Чизматасвирда академик мактаб услуби”, “Рангтасвирда академик мактаб услуби” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасаларида номоддий маданий мероснинг ўрганилишини таъминлаш, замонавий услублар билан бойитилган ҳолда амалда қўллаш ва талабалар билимини баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Жами	назарий	амалий	қўчма
1.	Тасвирий санъатда композиция фанини шаклланиш асослари. Ритм, статика, динамика, силуэт, контраст, мувозанат, марказ ва масштаб, ранг тушунчаларининг ўрни, мақсадли қўллаш.	6	4	2	
2	Анъанавий ва замонавий композиция тузиш асослари ҳақидаги назарий билим ва тажрибаларни тингловчига эслатиш, таништириш. Амалий машқлар асосида ижодий композициялар ишлаш усулларини шакллантириш.	6	2	2	
3.	Талаба ва ўқувчиларни мутахассислиги бўйича аниқ ва тизимли равишда ижодий фаолиятга йўналтириш. Тасвирий санъат тур ва жанрларида композиция хусусиятларини ажрата олиш методлари.	6	2	4	
4	Рельефли композициянинг алоҳида хусусиятлари ва фарқини таҳлил қила олиш йўллари. Саноат графикаси, плакат ҳамда бадий безак санъати композицияларининг ўзаро уйғунлиги.	4	2	4	
<b>Жами: 22</b>		<b>22</b>	<b>10</b>	<b>12</b>	

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Тасвирий санъатда композиция фанини шаклланиш асослари. Ритм, статика, динамика, силуэт, контраст, мувозанат, марказ ва масштаб, ранг тушунчаларининг ўрни, мақсадли қўллаш. (4 соат)**

Тасвирий санъатда композиция асослари фанига кириш. Композиция ҳақида умум тушунча. Композиция таркибида- ритм, статика динамика,силуэт чизик тушунчаларининг аҳамияти. Ритмнинг табиатда, санъатдаги кўриниши, турлари(оддий метрик, диоганаль, доиравий). Ритм асоси чизик турлари аҳамияти. Композицияда статика ва динамика ўрни ва аҳамияти. Композиция илашда чизикнинг ўрни. Уйғониш даври рассомлари, шарқ мусаввирлари К.Бехзод ва ўзбек рассомлари Ч.Ахмаров, Т.Муҳаммедов, Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, А.Мамажонов, А.Мирзаев, А.Алиқулов ижодлари мисолида.

**2-мавзу: Анъанавий ва замонавий композиция тузиш асослари ҳақидаги назарий билим ва тажрибаларни тингловчига эслатиш, таништириш. Амалий машқлар асосида ижодий композициялар ишлаш усулларини шакллантириш. (2 соат)**

Тасвирий ва амалий санъатда контраст- тушунчаси- шаклда, рангда ва тусда. Композицияда мувозанат тушунчаси, композиция марказ тушунчаси бадиий асар бетакрорлигини таъминлаш усуллари. Мумтоз миниатюра мусаввирлари ва бугунги кун рассомлар ижодида контраст, мувозанат ва масштаб, марказнинг кўрсатиш усуллари.

**3-мавзу: Талаба ва ўқувчиларни мутахассислиги бўйича аниқ ва тизимли равишда ижодий фаолиятга йўналтириш. Тасвирий санъат тур ва жанрларида композиция хусусиятларини ажрата олиш методлари. (2 соат)**

Тасвирий санъатда ранг тушунчаси. Рангшунослик асослари: нур турлари, ёруғлик, уни қабул қилишда кўзнинг ўрни, хроматик, ахроматик, субтрактив, аддитив ранглар, рангшунос олимлар – И.Ньютон, И.Гёте, О.Рунге, В.Освальд, И.Иттен ранг доиралари, асосий- бирламчи, иккиламчи, учламчи, ранглар, контраст ва уйғун рангларнинг инсон руҳиятига таъсири.

**4 мавзу: Рельефли композициянинг алоҳида хусусиятлари ва фарқини таҳлил қила олиш йўллари. Саноат графикаси, плакат ҳамда бадиий безак санъати композициясиларининг ўзаро уйғунлиги. (2 соат)**

Тасвирий санъат тур ва жанрларида композиция хусусиятларини ажрата олиш методлари: юртимиз тасвирий санъат босқичлари,темурийлар даври, китобат санъати-миниатюра мактаблари, хайкалтарошликдаги рельефли-икки ва уч ўлчамли асарлар Тасвирий санъат ривожланишида “Олтин



кесим”тушунчаси, тарихи- математика, меъморликда, миниатюрада.бугунги кун-кино,реклама йўналишларида. Саноат графикаси,плакат, бадий (китоб) безаш композициялар тарихи ва уйғунлиги.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Маърузадан сўнг режалаштирилган мавзуси асосида амалий машғулот ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган тасвирий ёки амалий санъат йўналиши бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ тингловчининг мутахассислигига оид композиция ишлаш шаклида бажарилиши мумкин.

Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини амалий кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, кўшимча воситалар, шунингдек натурадан амалий ишлаш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

### **1-амалий машғулот. Тасвирий санъатда композиция фанини шаклланиш асослари. Ритм, статика, динамика, силуэт, контраст, мувозанат, марказ ва масштаб, ранг тушунчаларининг ўрни, мақсадли кўллаш. (2 соат)**

Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар табиатдаги ритм, оддий, доиравий, диоганал ритм кўринишини чизадилар. Инсон,жониворларнинг статик шаклини динамикага айлантириб силуэт кўринишида машқларини бажарадилар. А4 форматли қоғозда турли жонли ва жонсиз чизиқларни турли график ашёларида чизиш машқларини бажарадилар.

### **2-амалий машғулот: Анъанавий ва замонавий композиция тузиш асослари ҳақидаги назарий билим ва тажрибаларни тингловчига эслатиш, таништириш. Амалий машқлар асосида ижодий композициялар ишлаш усулларини шакллантириш. (2 соат)**

Мазкур мавзу юзасидан тингловчилар Композиция ўлчамини аниқлаш усуллари, композиция майдонида геометрик шакллар воситасида мувозанатни ҳосил қилиш, Композицияда марказ ва бош қаҳрамонни ажратиш усулларини чизиш орқали бажарадилар.

### **3-амалий машғулот. Талаба ва ўқувчиларни мутахассислиги бўйича аниқ ва тизимли равишда ижодий фаолиятга йўналтириш. Тасвирий**

## **санъат тур ва жанрларида композиция хусусиятларини ажрата олиш методлари. (4 соат)**

Тасвирий санъатда ранг тушунчаси. Анъанавий ва замонавий композиция тузиш асослари мавзусига доир тингловчилар А-4 форматдаги қоғозда асосий, и.Гётте, О. Рунге ва И.Иттен ранг доираларини чизадилар.

### **4-амалий машғулот: Рельефли композициянинг алоҳида хусусиятлари ва фарқини таҳлил қила олиш йўллари. Саноат графикаси, плакат ҳамда бадиий безак санъати композицияларининг ўзаро уйғунлиги. (4 соат)**


Тасвирий санъат тур ва жанрларида композиция хусусиятларини ажрата олиш методлари. Рельефли композициянинг алоҳида хусусиятлари ва фарқини таҳлил қила олиш йўллари. Саноат графикаси, плакат ҳамда бадиий безак санъати композицияларининг ўзаро уйғунлиги мавзусига доир икки ўлчамли геометрик шаклларни уч ўлчамли кўринишга айлантириш, ижодий композицияда “Олтин кесим” тушунчасини қўллаш бўйича машқлар чизадилар.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш), кўчма машғулотлар;
- давра суҳбатлари (муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар, амалий машғулотлар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.



**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Методнинг мақсади: ақлий ҳужум вақтида тингловчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.


Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий ҳужум – микро гуруҳларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

**Намуна:** Гуруҳга муаммоли вазият берилади, мисол учун оркестрни ташкил этувчи коллективдаги психологик вазиятёмонлашиб, конфликт чиқадиган даражага етиб келган. Муаммони ҳал қилиш бўйича жамоали ақлий ҳужум, иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилиши ташкиллаштирилади.

Бу фикрлар танқид қилинмасдан, улар орасидан энг самаралиси, мақбули, яни вазиятни нормаллашувга олиб келиши мумкин бўлгани ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.



**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

<b>S – (strength)</b>	• кучли томонлари
<b>W – (weakness)</b>	• заиф, кучсиз томонлари
<b>O – (opportunity)</b>	• имкониятлари
<b>T – (threat)</b>	• тўсиқлар

**Намуна:** Масалан 1-маъруза дарсида олинган назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида “SWOT-таҳлил” методи асосида, кучли, кучсиз томонлари, имкониятлари ва тўсиқлари (салбий таъсир этувчи омиллари) таҳлил қилинади.

**“Инсерт” методи.**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи тингловчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- тингловчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалядилар. Матн билан ишлашда тингловчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“√” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

**Намуна** сифатида 2-маъруза материаллари тингловчилар томонидан Инсерт методи аксосида таҳлил қилиб чиқилади (ўқитувчи назорати остида).

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-мавзу: Рангтасвирнинг тасвирий санъатдаги ўрни. Илғор хорижий санъат таълим муассасаларининг тажрибаларини ўрганиш ва миллий кадрлар тайёрлаш тизимига тадбиқ этиш.**

**Режа:**

**1.1. Рангтасвирнинг ўзига хос жиҳатлари.**

**1.2. Рангтасвирнинг ривожланиш тарихи.**

**Таянч иборалар:** *Тутанхамон мақбараси, Буюк Александр ва унинг триумфи ёки Мартин Лютер, Медузанинг хотиржамлиги, Пьерронинг маъюс кўриниши Ласко гориди “Авиньонские девицы” картинаси.*

**1.1. Рангтасвирнинг ўзига хос жиҳатлари.**

**Рангтасвир.**— кенг маънода санъатнинг асосий хусусияти бўлиб, бу хусусият санъатда ҳаётни акс эттириш ва билишнинг бошқа (масалан, илмий) формаларидан фарқ қилади. ҳаётни бадиий акс эттириш воқеликни образлар орқали акс эттиришдан иборат бўлиб, бу бадиийликнинг асосидир. Шу маънода бадиийлик образлилик (образ) тушунчасига мос келади.

Тор маънода бадиийлик сўзи адабиёт ва санъат асарининг ижтимоий-эстетик аҳамиятини белгиловчи сифати ва даражасига нисбатан қўлланилади. Бадиийлик асарда ҳаётнинг ҳаққоний акс эттирилиши, характерларнинг типиклиги, санъаткор талқин этган ижтимоий идеалнинг муҳимлиги, асарнинг аҳамияти, халқчиллиги, ёзувчининг шакл ва мазмун бирлигига эришишдаги маҳорати, асар ижтимоий-тарбиявий таъсирининг кучли ва баракали бўлиши билан белгиланади.

Бадиий рангтасвир санъати нима?

Бадиий рангтасвир санъати – тасвирий санъатнинг бир туридир. Унда реал ҳаётдаги нарса ва ҳодисалар мато, қоғоз, фанера, девор ва бошқа нарсаларда бўёқлар билан тасвирлаган мукамал бадиий асар ҳисобланади.

Рангтасвир санъати жуда қадимдан мавжуд. Бу санъат ибтидоий одамлар яшаш учун курашда тош қуроллар ишлата бошлаган пайтларда пайдо бўлган.

Ибтидоий одам тошда ранг-баранг бўёқлар билан хайвонларнинг, ўсимликларнинг характерли белгиларини акс эттиришга интилган.

Рассом бўёқлар ва махсус усуллар ёрдамида жисмнинг қандайлигини, маконли ҳажми тасвирини яратади.

Рангтасвир санъати асосан бешта асосий элементдан иборатдир. Бу элементлар буюм шаклини, рангини, ёритилишини, ясалган материални,

тасвирланаётган нарсанинг қандай шароит ва муҳитда эканини тасвирлашда намоён бўлади.

Рангтасвир санъатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда рассом мавжуд воситалар ёрдамида нарса шаклини ва перспективасини, ранги ва материални, психологик ҳолати, анатомик тузилишини ва ҳоказоларни тасвирлайди.

Рассом ўзи яратаётган бадиий образида ҳаёт қонунларини, унга ўз муносабатини ифодалашга интилади.

Жуда қадим замонларда, меҳнат жараёнининг тараққиёти натижасида тасвирий санъат пайдо бўлди. Меҳнат жараёнида инсон тафаккури камол топди, гўзаллик ҳисси ортди, воқеликдаги гўзаллик, қулайлик ва фойдалилик тушунчалари кенгайди. Синфий жамият вужудга келиши билан эса ижтимоий тараққиётда катта ўзгаришлар содир бўлди; ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқа бошлади. Бу эса фан ва санъат ривожиди муҳим аҳамият касб этди.

Профессионал санъат ва санъаткорлар шу даврда пайдо бўлди. Санъат эса ўзининг ўзига хос хусусиятини, синфийлигини намоён этиб, ҳукмрон синфнинг идеологиясини тарғиб этувчи кучли ғоявий қуролга айланди. Лекин шунга қарамай, омма орасидан етишиб чиққан истеъдодли ижодкорлар меҳнаткаш халқ оммасининг орзу-истакларини, уларнинг гўзаллик ва худбинлик, олийжаноблик ва инсонпарварлик ҳақидаги тушунчаларини ифода этувчи асарлар яратдилар. Халқнинг турмуши, мулк ва одатлари, ютуқ ва мағлубиятлари уларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Ҳар бир даврда мавжуд бўлган ана шундай санъат ҳаёт гўзалликларини тасвирлаб, одамларда юксак ҳислат ва фазилатларни камол топтирди, уларни тенглик, озодлик, биродарлик ёрқин келажакка интилишга даъват этди. Ҳақиқатдан ҳам инсоният яратиб қолдирган маданий қадриятлар оддий бойликлар бўлиб қолмай балки ўзида инсон ақл-заковати, ҳаёт тўғрисидаги фикр - ўйларини акс эттирувчи кўзгу ҳамдир.

Жаҳон санъати тарихини ўрганиш унинг тараққиёт қонунларини



тушуниш нодир ёдгорликлар билан танишиш, ўтмиш одамларнинг ҳис туйғу ҳаётий тажрибаларини ўрганиш ғоявий-эстетик қарашларнинг шаклланишини билиш демакдир. Бу сўзсиз, кишиларда ҳаётий тажрибаларнинг бойишига, ҳаётга янада кенг ва атрофлича ёндошишга ёрдам беради. Тасвирий санъат турларига рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик киради.

Рангтасвир тасвирий санъатнинг энг муҳим турларидан бўлиб, махсус **A**

### **Baker and His Wife**<sup>1</sup>

полотноларга, деворларга ишланади. Тасвирий ва амалий санъат асарларида ифодаланган мақсад ва мазмунни очиб беришда ранг муҳим ўрин эгаллайди. Тасвирий санъат турлари ҳар хил бўлиб rassomлар ўз ижодида турли жанр ва оқимларда асарлар яратиб келганлар. Жумладан:

*Академизм* - академик услубга оид бадиий йўналиш.

*Автопортрет* (грекча сўздан. Outos - ўзим) - rassom ўзини-ўзи тасвирлаган портрет. Бу ҳолда rassom ҳам, тасвирдаги шахс ҳам бир кишининг ўзидир.

*Абстракционизм* – мавҳум санъат асарларини ўз ичига олган бадиий йўналиш.



*Авангардизм* - XX асрда пайдо бўлган, янги шакл, услуб, усул ва бошқа тасвирий воситалар асосида ихтиро қилувчи, изланувчи (баъзида бу сўз билан янги бадиий йўналишларни ҳам аташади).

### **Dance (first version)**<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-17

<sup>2</sup> Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.-163



**Натурализм** - тасвирий санъат йўналишларидан бир бўлиб, тасвирловчи, тасвирланаётган нарсаларнинг биринчи галда ташки кўриниши, сиртқи суратини тасвирлаш лозимлигини мақсад қилиб кўяди тўғридан тўғри шаклни кўчириб тасвирлайди.

**Классицизм** Аҳмонийлар давлатининг барҳам топишига сабаб бўлган Александр Македонский босқинчилик юришлари (эр.аввалги 334-326 йиллар) Марказий Осиё маданияти ва санъати тарихида янги давр эллинизм даври бошланишдан дарак беради. Эллинистик анъаналари Бахтрия санъатида (Далварзинтепа, Халчаён, Кампиртепа, Эски термиз) яққол намоён бўлди. Суғд



хамда Хоразмнинг бадиий маданиятида бир мунча камроқ ўз ифодасини топган. Антик дунё даврида меъморчилик, ҳайкалтарошлик, деворлардаги мажозий рангтасвир санъатининг энг кўп тарқалган ва характерли турлари бўлиб қолди.

Қадимги Ўзбекистон тасвирий санъатининг сюжет негизлари ягона бўлгани ҳолда улар турли минтақаларда турлича талқин қилинарди. Хоразм санъати бетакрор бўлиб, ўзига хос композицион режаларга эга будда мавзуларига оид ишлар учрамайди.

Ўрта асрлар бошларида Ўзбекистон худудининг бир қисми Турк хонлиги таркибига кирган. Бу даврдаги бадиий ҳунармандчилик асосан металлдан ясалган маиший буюмларда ўз аксини топган бўлиб, уларда



сосонийлар ва Узоқ Шарқ санъати анъаналари ўзига хос тарзда уйғунлашган. Ўрта асрлар бошидаги деворлардаги нақшлар тасвирнинг мураккаблиги, композициянинг бойлиги ва рангларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Суғдда қора пластика ва кандакорлик санъати анча тараққий этганди. Бир қатор ҳайкаллар турлари ишлаб чиқилиб, уларнинг бир қисми диний, бир қисми эса – эпик образлар билан боғланган.

Суғддаги жасадлар кули солинган хокдонлар ҳар хил қабарик тасвирлар туширилган тоштобут қора пластиканинг алоҳида турини намоён қилади.

Эрамининг VII-VIII асри бошида Ўзбекистон худудида тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланишида ўз таъсирини кўрсатган ислом дини кенг

тарқала бошлади. Марказий Осиёда шу муносабат билан антик ва Ўрта асрлар бошидаги меросга муносабат ўзгарди.

XI аср ўрталарига бориб санъатда нақшли - безакли негиз тўла устунлик килди. Деворлардаги нақшлар ва ҳайкалтарошлик амалда барҳам топиб, бадий ҳунармандчилик биринчи ўринга чиқди. Ўзбекистон аҳолисининг маиший турмушидан кенг ўрин олган, IX – XII асрларда Бухоро, Самарқанд ва бошқа бир қатор шаҳарларда кўлөзма ҳаттотлиги китобларни безаш санъати ва муқовачилик ғоят ривож топди. Қадимги кўлөзмаларнинг бадий безатилиши жимжимадор ҳуснихат билан нафис нақшларни ўзида бирдек мужассам этганди. Бу ерда Шарқ миниатюра рангтасвирининг ажойиб бадий мактаблари таркиб топди.

**Портрет жанри.** - Инсон қиёфасини ички психологик олами билан боғланган ҳолда аниқ бир образда яратилиши портрет санъати деб юритилади. Портретда инсоннинг тўла гавдаси, ярми ёки юз қиёфасининг фақат ўзи ҳам бўлиши мумкин. Портрет санъатини яратишда бебаҳо ютуқларни кўлга киритган буюк рассомлардан Камолиддин Бехзод, Леонардо да Винчи, Рембранд, шунингдек, ўзбек рассомларидан Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Чингиз Аҳмаров ва бошқа бир қанча рассомларни мисол келтириш мумкин. Портрет яратиш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, инсоннинг анатомик тузилишидан тортиб ички руҳий, маънавий, шунингдек, ташқи кўринишидаги барча жиҳатларини акс эттириши санъат даражасидаги асар бўлиши мумкин.

**Анимал жанри** - ҳайвонот дунёсини, жониворларни тасвирловчи тасвирий санъат тури.

**Маиший жанри** - жамият ва шахсий ҳаётдаги кундалик турмуш тарзини ўзида акс эттирувчи тасвирий санъат жанри. Бу жанрда рассом (ҳайкалтарош)



ўз замонасидаги кундалик турмушда бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни, одамларнинг яшаш тарзи, дам олиши, меҳнати ва спорт билан шуғулланиши, хуллас уларнинг кундалик фаолияти бу жанрнинг мазмунини ташкил этади.

**Манзара жанри** - Тасвирий санъатнинг лирик жанрларидан бири, унда



реал ёки ҳаёлий табиат кўринишлари орқали рассомнинг ҳис туйғулари, уй ҳаёллари, орзу истаклари ўз ифодасини топади. Бу жанрда инсон фаолияти билан ўзгариб бораётган табиат манзаралари, меъморий қурилмалар, тоғ манзаралари, денгиз тўлқинлари тасвирланади.

**Баталь жанри** ( франц. bataille - жанг), жанг ва ҳарбий ҳаётга бағишланган мавзудаги тасвирий санъат жанри. Ўтмиш ва бугунги кунда бўлаётган жанг воқеалари (шунингдек денгиздаги жанг воқеалари ), ҳарбий юришлар, жангчилар ҳаётидан олинган сюжетлар бу жанр мазмунини белгилайди. Бўлаётган жангнинг муҳим пайтлари, унинг моҳиятини, тарихий дамларини тасвирлашга интилиш бу жанрни тарихий жанрга яқинлаштиради ҳарбий жангчилар ҳаётига бағишланган асарлар эса маиший жанрга яқинлаштиради.

**Натюрморт** (франц. nature morte, итал. natura morta, улик табиат)



инсонни ўраб турган борлиқ — турли буюмлар, овда отилган қуш ва ҳайвонларнинг жонсиз таналари, ов, меҳнат ва жанг қуроллари, гул ва мевалар ва бошқа шунга ўхшаш буюмларларни ўзида акс эттирадиган тасвирий санъат жанри.

**Декоратив санъат** — уй-рузғор буюмларини бадиий жиҳатдан ишлаш, биноларнинг ташқи ва ички томонларини безаш.


Архитектура биноларидаги безак, нақшлар, декоратив скульптура, мозаика, витраж, турли материалларга ўйиб ишланган нақшлар декоратив санъатга киради.



**Монуменгал (маҳобатли) рангтасвир** - Меъморлик санъати билан



боғлик булган рангтасвир асарларини монументал (маҳобатли) рангтасвир деб юритилади. Монуменгал рангтасвир меъморчилик мажмуида маълум микдорда безак вазифасини утайди, шунинг учун ҳам у монументал-декоратив рангтасвир деб ҳам юритилади. Монуменгал рангтасвир меъморчилик билан боғлик бўлиб, улар уйларнинг деворларини, шифтларини безашда қўлланилади. Катта ҳажмда узокдан кўришга мўлжалланганлиги учун булар яхлитлаштирилган



ҳолда ишланади, ранглар ҳам шартли равишда олинади.

**Деворий рангтасвир (роспис)**

Архитектурани безашда маҳобатли рангтасвирнинг бир неча турлари мавжуд: яъни, альфреско (фреско, темперали расм), рим мозакаси, флоренция мозайкаси, сграффито, рангли сувоқли инкрустация, рангли левкас, классик витраж, алюминий арматурали

витраж, елимланган витраж, бетонла витраж, қуйма витраж, мозайкали витраж, кундал, силикатли рангтасвир ва бошқалар ҳисобланади.

Мўъжаз санъат асарлари турли мамлакатларда шу жумладан Ўзбекистон худудида жуда ҳам қадим замондан тараққий этиб, қадимий қўлёзмаларга ишланган. Чунончи, Алишер Навоийнинг "Хамса" асарларига ишланган расмлар бунга мисол бўла олади.

Дастгоҳли рангтасвир асарлари кенг тарқалган бўлиб, махсус матолар, картон, ёғоч, ромкага тортилган мато-холст ва шу кабиларга ишланади. Дастгоҳли рангтасвир мойбўёк, гуашь, сувбўёк, темпера бўёкларидида махсус дастгоҳларга ўрнатилиб ишланади.

**Графика** - лотинча "графо" сўзидан олинган бўлиб, "ёзаман", "чизаман"



деган маънони англатади. Тасвирий ва амалий санъатнинг бу турига оддий ва рангли қаламда кўмир, пастель, сангина, сувбўёқ, гуашь ва тушда ишланган безаклар, турли плакатлар, ҳажвий расмлар ва ҳаказолар киради.

Икона санъати қоидалари христиан дини билан унинг анъана ва қонуниятлари билан боғлиқ равишда кириб келган. Лекин бу санъатга албатта Византия тимсоллари ва Византия анъаналари манбаа бўлиб хизмат қилган.

Рассомнинг альбомдан ўрин олган асарлари унинг ижод йўли ва бадиий образлар олами, қизиқишлари, мавзулари билан яқиндан танишиш имконини беради. Улар воситасида биз туғма истеъдод соҳибасининг ижодий изланишлари ва санъаткор сифатида шаклланиш жараёнини кузатишимиз мумкин.

“Манзара жанрида барча рассомлар ижод қиладилар бироқ, манзарачи рассом сифатида эса ягона рассомгина бу йўналишни танлаши, фақат шу йўналишда ижод қилиши мумкин”.- деб айтган эди Ўзбекистон бадиий академияси раиси, Ўзбекистон ҳалқ рассоми Акмал Нур.

Бугунги кунда Н.Гилманова ҳам ўзининг манзара жанрида ижод қилиб келаётган истеъдодли рассомлардан биридир. Унинг бу йўналишда бетиним ижод қилиши ва йиллар давомида қилган меҳнатининг натижаси унинг асарларида ўз аксини топган.

Манзарачи рассомнинг ижодидаги тоғлар ва дарёлар, шаршаралар, тинч гуллаётган водийлар, мусаффо чашмалар, кузнинг сокин лавҳалари – бу рассомнинг севган мавзуларидир, ҳар бир асарда бошқача ранглар уйғунлиги, фасллар жозибаси ўз аксини топади.

Манзара – ўзига хос жанр. Уни узоқдан туриб англаш зарур, зеро шу йўл билангина бутун бир шаклни кўриш, руҳиятини ҳис қилиш мумкин. Рангтасвир ҳақида фикр юритувчилар: шундай тоғ ва дарёлар борки, улар орасидан ўтса бўлади, шундайлари борки, уларга кўз узмай тикилса бўлади. Яна шундайлари борки, у ерларда сайр қилса, унда яшаса бўлади дейишади. Айнан шундай асарни ҳақиқатдан ҳам нафис ва руҳиятимизни хушнуд қилади.

Рассомлар табиат қўйнига чиқиб асар яратишни хуш кўрадилар. Табиат ҳар бир ижодкор учун илҳом манбаи. Рассом бир масканда бир неча бора бўлса-да, унинг учун бу маскан ҳар доим ўзининг турли қирралари билан намоён бўлади. Рассом ўзининг янгидан-янги асарларини назаримизда бир нуқтадан яратаётгандек бўлса-да, уларнинг ҳеч қайсиси бир-бирига ўхшамайди ва ўзига яраша жозибалидир. Балки, бу табиатнинг нақадар

Ўзгарувчанлигининг исботидир. У доимо сукунатга тўла. Лекин, шунга карамай тоғ ён–бағирлари сувнинг шивирлаши-ю, тоғлардаги акс-садо ўзига хос бир мусиқани яратади. Тоғлар табиати ҳам ўзгарувчан балки, шуниси билан ҳам рассом учун қизиқарлидир. Рангтасвирчи табиат кўйнида бўлганида ҳаёлидан ўтган руҳий ҳолатлар шиддатини ўз манзараларида: тоғлар, дарёлар ва булутлар образлари силсиласида ифодалайди.



Тасвирий санъатда кўплаб жанрлар бор. Ана шуларнинг ичида энг кўп меҳнат, умуман манзара жанрига бошқача бир муносабат талаб қиладиган бир жиҳати борки, у ҳам бўлса, рассомнинг табиатга бўлган муносабати. У ўз асарларига юраги, муҳаббатини бера олган рассомдир. Унинг асарларидаги сокинлик, табиатни энг илғаш қийин бўлган қирраларини сеза билиши яққол кўринади. Асарларни томоша қилган ҳар бир мухлис гўё табиатнинг у яратган гўшасида ўзини ҳис қилиши, табиатнинг бундай гўзаллигидан асарга қараб баҳра олиш мумкин. Асарларда табиатни ўз кўринишида эмас, балки яратаётган ҳар бир асарига ўз нуқтаи назари, дунёқараши орқали қалбини, меҳрини бериб ишлайди. Табиатнинг ҳар фаслидан, ҳар лаҳзасидан илҳом олади.

## 1.2. Рангтасвирнинг ривожланиш тарихи.

Тасвирий санъат асари адабий асардан шуниси билан фарқ қиладики, у фақат томоша қилиш орқали идрок қилинади, чунки сурат матонинг бир томонига ишланади, у бир қарашда, бир йўла идрок этилади.

Бир қарашда идрок этиладиган асарни яратишда рассомга катта ёрдам берадиган нарса асар композициясидир, яъни асар композицияси шундай қуриладики, унда алоҳида инсон қомати ва нарсалар бир-бирига боғланиб кетади. Натижада муаллиф фикри томошабинга яхши етиб боради. Тасвирий санъат асарларида калорит–нафис рангларнинг ўзига хос уйғунлашуви – ритм, нисбат, ранг – ҳаво перспективаси ва ҳоказолар ҳам катта аҳамиятга эга.

Миниатюра нафис тасвирий санъат бизнингча, нафис ишланганлиги, ўлчами кичиклиги билан фарқ қилади. Аммо унинг номи кичиклиги ва



нафислигидан эмас, балки қадим замонда—қўл ёзма китоблардаги бош ҳарфлар бўяладиган қазил бўёқдан олинган.

Миниатюрада рассомларнинг тасвирлайдиган асосий объекти портрет ҳисобланган. Кейинчалик кўп қоматли, манзрали кўринишлари ҳам пайдо бўла бошлаган. Миниатюранинг ўзига хусусиятлари: инсон қоматларида соя йўқ, шакл беришда тусдан фойдаланилмайди. Инсон қоматлари, бинолар ва манзаралар икки ўлчамли бўлиб, чеккалари тўқ рангдаги нафис чизиқлар билан ишлов берилган<sup>3</sup>.

Тасвирий санъатнинг рангтасвир турлари ва услублари хилма хилдир. Ҳар бир ижодкорнинг ўз услуби мавжуд бўлиб рассомлар изланиш олиб бормоқдалар.

Дунё бўйича хилма хил услубий ёндошувлар ҳам бепоён дир. Шунингдек Европалик рассомлар асарлари шунга мисол бўла олади. Рангтасвир асарини ўқиш ва талқин қилиш бугунги кунда ёш авлодни маънавий жиҳатдан камол топтиришга қаратилган илғор йўналишлардан бири уларнинг онг ва салоҳиятини таркиб топтиришдан иборат эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Миллий ва маънавий қадриятларни қайта тиклаш борасида олиб борилаётган ишлар тасвирий санъат соҳаси вакиллари қалбида ҳам алоҳида ғайрат ва шижоат уйғотмоқда.



Шу ўринда бугунги кунда Ўзбекистон тасвирий санъати тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган Ўрол Тансиқбоев, Чингиз Ахмаров, Рахим Ахмаедов, Гофир Қодиров, Жамол Усмонов, Шаҳноза Абдуллаева, Алишер Аликулов, Зебинисо Шарипова, Бобур Исмоилов, Татьяна Ли, Дилором Мамедова сингари кўплаб талантли ва ажойиб мўйқалам усталари номлари кўпчиликка маълум.

Мукаммал яратилган бадий асар юксак ғоявий, мазмунли, халқчил, юксак бадий маҳорат билан ҳаққоний яратилган санъатгина бизнинг ақл ҳамда ҳис-туйғуларимизга таъсир этади.



Ўзбек ва чет эл rassomларининг гўзал асарларини ким мароқ, билан томоша қилмаган, улардан завқ олмаган? Музей ва кўрғазмаларда атиги бир марта бўлган одам rassomларимиз томонидан яратилган гўзал асарларни томоша қилишдан баҳраманд бўлади албатта, кўнглига ўтирган асарларни яна бир бор кўриш мақсадида шошилади.

Ўтмиш ва ҳозирги замон тасвирий санъат асарларини томоша қилишни ҳаммамиз ҳам яхши кўраемиз. Бунинг жуда кўп сабаблари бор. Шу ўринда машҳур rassomлардан бири шундай деганди: «Биз санъатни шунинг учун ҳам севаемизки, у инсонни ўраб

#### **A Useful Thing, Peace! Siena and the Allegory of Good Government<sup>4</sup>**

олган борлиқнинг гўзал томонларини очиб беради, инсонга куч-



қувват, севинч бахш этади, уни руҳий, маънавий жиҳатдан бойитади, ҳаётини завқ-шавқга тўлдиради. Биз санъат асарларини шунинг учун ҳам қадрлаймизки, улар шоирона ҳис-туйғуларга бой бўлади, rassom ўз юрак ҳароратини, туйғуларини камёб, такрорланмас, оригинал, ҳаётий бўёқлар билан ифода этади».

Яқин ўтмишдаги реалистик санъат намояндалари ижодининг энг муҳим хусусиятларидан бири шунда эдики, улар ўз асарларида халқ

<sup>4</sup> Klaus Reichold. Bernhard Graf. Paintings that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York.- 2003.- P.- 40



ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган, халқда ўз кучига ишонч уйғотувчи муҳим мавзуларни акс эттирарди.

Рассом Раҳим Ахмедовнинг «Тонг. Оналик» асаридаги қаҳрамоннинг юзига бир қаранг-а. У эрта тонгда хотиржам ўз чақалоғини эмизмоқда. Она юртимизга хос таниш манзара, енгил шабада эсмоқда. Тоғ этагидаги қишлоқ осмони мусаффо тиниқ, эндигина тонг оқариб қуёш чиқиши арафасида. Картинадаги оила хотиржам ҳаёт гўзал рангларда акс эттирилган. Она образи инсон ўзи яшаётган муҳитнинг тинчлиги қанчалик қадри эканлигига ёрқин намуна бўла олади. Бу картина ҳар бир томошабин қалбида ўчмас из қолдиради албатта.

Раҳим Ахмедовнинг бу асарини томоша қилар эканмиз, биз тинч ҳаётда яшаётган одамларни кўрибгина қолмай, гўё уларнинг водий бўйлаб таралаётган қушлар ноласини ҳам эшитаётгандек бўламиз.

Рассомларнинг фақат турмуш эмас, шўнингдек табиат манзаралари тасвир этилган асарларидаги ҳаёт ҳақиқати кишини қаттиқ ҳаяжонга солади.

Ўрал Тансиқбоевнинг «Тоғда» номли асари сеvimли ўлка табиатига чексиз меҳр-муҳаббат ҳисси билан суғорилган. Суратда баланд тоғ этакларидан гул тераётган болаларни, эрталабки қуёшнинг заррин нурлари ёритиб турган чексиз водийни ўраб олган тоғлар понарамасини кўрар эканмиз, кўз ўнгимизда кишининг иродаси ва меҳнати билан боғу-бўстонга айланаётган Ўзбекистон ерларининг ёрқин манзараси гавдаланади ва ҳаётга бўлган интилишини оширади. Ўзбекистоннинг гўзал табиати Ў.Тансиқбоев ва ҳозирги пайтда ижод қилаётган замондош рассомларимиз ижодида марказий ўринни эгаллайди.

Бундай ажойиб табиат манзараларини кўрар эканмиз, рассомнинг куйидаги сўзларини эшитаётгандек бўламиз: «Одамлар, қаранг, биз яшаётган олам қандай гўзал, уни мен каби севинг, ана шу муқаддас севги билан уни ўзингизга асир этинг, бу боқий дунёда ундан бир умрга лаззатланинг, тинчликни қадрига етинг, буюк ишларга белингизни маҳкам боғлаб олға интилинг».

Рассомларимиз ватан ва жаҳон прогрессив санъатига суянган ҳолда ўзининг чуқур ғоявийлиги, шаклининг мўкамаллиги, халқ турмушига боғлиқлиги билан ажралиб турувчи санъат йўлида дадил қадам ташламоқдалар.

Тасвирий санъатни янада ривожлантириш учун ўзида илғор ғояларни мужассамлантирган меҳнатсевар кишиси рассомларнинг энг сеvimли ва асосий қаҳрамонларига айланган.

Натюрморт жанрида Рассом А.Икромжанов ўз ижодида мумтоз натюрморт, яъни нидерланд мактабининг машхур вакиллари Питер Класс, Виллем Хеда бадий анъаналарига эргашишга, уларни ўзига хос тарзда ривожлантиришга интилади. Шу билан бирга, асарларига ўзбек халқ амалий санъати ва миллий қадриятларни олиб киришга, уларни юксак савияда тасвирлашга интилади. Унинг энг яхши асарлари Ўзбекистон тасвирий санъатининг натюрморт жанри тараққиётида ўзига хос ва мос ўринга эга.



Натюрморт жанри асарларида тасвирланаётган предметлар ҳаётий реализмга асослангандир. Уларни яратаётганда ижодкор ўз дунё - қараши нуқтаи назаридан муносабатда бўлади. Натюрмортдаги шакл ва рангларда шоирона талқин кўзга ташланади. Натижада, гўзал ва бетакрор табиат неъматлари расмларда рассомнинг ижоди самарасига айланиб, барҳаётлик касб

этади, томошабин кўзини қувонтиради, дилига эстетик завқ бағишлайди. Бу асарлардаги мукамал чизгилар, ёрқин, нафис ранглар ўзаро уйғунлиги узоқдаги бетараф ёки қорамтир фон асосида алоҳида ажралиб туради.

Бу асарлардаги нур ва соянинг талқини, тасвири, уларнинг ўзаро уйғунлиги ҳам ижодкорнинг юксак маҳоратидан дарак беради.

Рассом Н.Гилманова эса “Мен ранг ва нур ҳамоҳанг бўлишини яхши кўраман”, - деб айтган эди. Ҳақиқатдан ҳам, “Лимонли натюрморт”, “Учта кўза”, “Бойчечаклар”, “Кўзги гулдаста”, “Ноклар”, “Мандаринли натюрморт”, “Олмалар ва хурмолар”, “Увайсий хотирасига” каби жуда кўплаб натюрморт



асарларида ранглар мутаносиблиги, ҳаёт давомийлиги, кузги барглар ҳаётнинг кузи эканлиги, тахи бузилмаган оппоқ дастурхонлар оқ йўл эканлиги, қўйингки, нур борки, соя борлиги унинг натюрмортларида ўз аксини топган. Натюрмортларда жуда кўп конструктив шаклларга ранг бериб, мукамал асарга айлантирилганлигини кўришимиз

мумкин. Масалан, “Увайсий хотирасига” деб номланган натюрмортда ранглар уйғунлигини, композицион тузилишнинг тўғрилигини, нур ва соянинг ўйноқчилигини кўришимиз мумкин.

### **Назорат саволлари**

1. Рангтасвирда шакл ва қиёфалар чизма тасвирини бажариш қандай амалга оширилади.
2. Рангтасвирда шакл ва қиёфалар композицияси деганда нимани тушунасиз?
3. Рангтасвирда шакл ва қиёфалар образи қандай яратилади.
4. Шакл ва қиёфалар яратиш учун тингловчилар нималар керак бўлади?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Paintings: that Changed the World. -Munich. Berlin, London, New York. - 2003.
2. Andrew Paquette. An Introduction to Compyuter Graphic for Artist.- Springer Publihing Company, Incorporated, USA 2013.
3. Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception:A Psychology of the Creative Eye.- Univercity of Californiya Press, USA 2004.

**2-мавзу: Анъанавий ва замонавий композиция тузиш асослари ҳақидаги назарий билим ва тажрибаларни тингловчига эслатиш, таништириш. Амалий машқлар асосида ижодий композициялар ишлаш усулларини шакллантириш.**

**Режа:**

- 2.1. Тасвирий фаолиятда кўникма, маҳорат ва тажриба.
- 2.2. Тингловчиларда кузатувчанликни ривожлантириш.
- 2.3. Ижодкорнинг индивидуаллик хусусияти.

**Таян иборалар:** *визуал санъаткор, ўзгартириш йўналиши, прогнозлар, картон, проекция, шакл.*

**2.1. Тасвирий фаолиятда кўникма, маҳорат ва тажриба.**

Санъат мавзу бўйича барча турдаги ўзи фақат мазмун, муайян бир шаклда муҳим рол ўйнайди, чунки албатта, мазмуни, мавзу маҳсулот билан бир хил эмас. Бироқ, Визуал модели объектларини тасвир доимо рассомлари қарши шакллантириш муаммолари, бири ҳисобланади. Объект тасвир таққослаш, объект модели ва унинг визуал тасвир корреляциясини назарда тутати. Имага идрок объект аниқ механик нусхалари эмас. Шу муносабат билан, саволларга бир қатор. Нима шартлари таниладиган тасвири бўлишга учрашди керак? Визуал санъаткор тушунчаларни тасвири объектларни фойдаланади нима? Визуал тушунчалар улкан турли сабаблар нима?

Сўзлар "шакли" (шакли) ва «шакли» (шакли), кўпинча бир-бирининг ўрнига ишлатилади. Тили бир ўзгариш учун бу китобда ва уни қайта жонлантириш мен ҳам шартларини фойдаланинг. Аслида, улар орасидаги муҳим фарқ бор. Мавзунинг асосий йўналиш (шакли) билан муомала аввалги боб, яъни шакли идрок объект фазовий жиҳатлари ҳисобланади. Лекин ингл идрок модел нафақат субъект кўриниши ҳисобланади. Объектининг таркиби ҳар доим унинг ташқи шакли бир оз кўпроқ бўлади. Бу бежиз ҳар бир кўриниши муайян мазмун шаклидир, деб айтиш эмас. Мавзу асосида расм чизиш жараёнида композицияни муваффақиятли ҳал этиш учун аввало расм чизишни уфқ чизиғидан бошлашнинг роли катта. Уни осмон билан ерни ажратиб турувчи чизиқ сифатида қараш керак. Уфқ чизиғини тасвирладиган объектнинг мазмунидан келиб чиқиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Уфқ чизиғини қоғоз бетига уч хил жойлаштириш мумкин. Биринчисида уфқ чизиғи қоғоз юзасининг юқорисидан, иккинчисидан пастидан учинчисида эса унинг ўртасидан ўтган бўлади. Рассом юқори уфқ чизиғини кенг манзара ёки катта объектни акс эттирмоғчи бўлган тақдирдагина танлайди. Шунингдек, рассомлар кишилар тасвирини ер фонида яхши кўрсатиш мақсадида ҳам шундай уфқ чизиғини танлайдилар. Иккинчи ҳолда уфқ чизиғи қоғоз юзасининг пастки қисмида ўтказилиши рассомнинг осмондаги ёки юқоридаги нарса ёхуд ҳаракатни кўрсатиш билан боғлиқдир. Уфқ чизиғининг “Фазога

парвоз”, “Кузда дарахтлар”, “Турналар учиб келди” каби мавзуларда расм чизганда пастдан олинса тўғри бўлади.

Перспективага оид учинчи ҳолда уфқ чизиғини дафтар юзасининг пастидан ўтказилади. Рассом уфқ чизиғини бундай ҳолатда олишининг сабаби томошабинга суврат унинг юқори қисми билан пастки қисмидаги деталлар мувозанати сақлашга бўлган ҳаракати билан боғлиқдир.

Шунингдек уфқ чизиғи рассомнинг ғояси, суврат мазмуни ва композицияси билан ҳам боғланади.

### **Ўзгартириш йўналиши**

Қандай текислиги унинг ҳаракати икки ўлчовли модели тан таъсир қилиши мумкин? Унинг геометрик шакл Шу қолади, лекин унинг фазовий йўналишини ўзгартиради фақат ушбу модел бир хил кўринишга эга бўлади?

Қачон бир томонга эгилган нисбатан яхши белгиланган эксенел тузилиши билан модель, натижада, одатда, кўрсаткич янги тузилишини яратиш эмас. Фиг. 58 Биз Тилт уларга кишиси қарамай бир учбурчак ва тўртбурчак шакл, бир хил қолади, деб қаранг. Улар янги субъектлари билан бизга кўринади, ва фақат янги ўрнини қабул қилиш, бир хил қолади эмас. Бу ҳодиса аниқ тажрибалар билан кўрсатилган қилинган Лейсис В. Геллерманна [1]. Кичик болалар ва ҳампанзелерде улар маълум бир тарзда муносабат ўргандим турли учбурчак бор. Учбурчак жойлаштириш 60 даража ўзгариши бўлса, болалар, шунингдек, ҳайвонлар кўрсаткич бошидан "нормал" йўналиши билан бир хил бурчак юзланди қайта.



Edouard Manet. The Guitarist, 1961, Metropolitan Museum of Art, New York.-

Объект йўналиши - ҳодиса мутлақ, лекин нисбий эмас. Бўшлиқда жойлашган мавзуда, биз, ҳеч қандай бошқа нарсалар ҳам бор, деб у, остин-устун ўнг бўлган, ёки бу мумкин объект йўналтирилганлигига боғлиқ аниқ жавоб келишга қилиш бир таққослаш айтиш мумкин эмас. Биз имаге жисмоний дунёга нисбатан тескари кўзнинг тўр пардасига, устига режалаштирилган, деб аслида хабардор эмас. Ва бу тасвир "миядаги қайтаради", чунки эмас, балки (Агар сиз ҳали ҳам айрим китобларда бу ҳақда ўқиб мумкин каби) "бола унинг бурилиш ўрганган", лекин, чунки дунёнинг ўзи ингл идрок тасвир, чунки бу ҳеч қандай тўғри ёки нотўғри ўрнини бор.

<sup>5</sup> Edouard Manet. The Guitarist, 1961, Metropolitan Museum of Art, New York.- Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye.- University of California Press, USA 2004.-P.76

Фақат космосда, шунингдек вақт бўлгани каби, у нисбатан бўлиши мумкин бўлган бошқа бир нарса бор. Шунинг учун, ҳар қандай йўл-ёриқ ҳар қандай бошқа кўра яхшироқ ҳисобланади. Фақат, бу тасвир доирасида юқори ва пастки ўртасидаги фарқни пайдо бўлади. Шундай қилиб, биз айтиш мумкин: "Бу маймунлар тесқари пастга осилиб атрофидаги объектларни боғлиқ."

**Футуризм**-лотинча “футурм” сўзидан олинган бўлиб, келажак маъносини билдиради. Бу оқим вакиллари “келажак санъати” ни яратиш мақсадида анъанавий маданиятни, унинг барча ахлоқий ва бадиий моҳиятини инкор этдилар, катта шаҳарни машиналашган ютуқларни, уларнинг ҳаракати, куч-қувватини улуғладилар. Футуризм тасвирий санъатда ўз мазмуни билан кубизмга жуда яқин туради. Футуристлар ўз асарларида шаклларнинг кесишуви, сурилиши, тўқнашувларини, мотивларни кўплаб қайтарилишини ифодалар эдилар. Бу билан улар томошабинда замонавий шаҳарлардаги шиддатли ҳаракатни тасвирини кўрмоқчи бўлдилар. Футуризм биринчи бор Италияда пайдо бўлиб, унинг асосчиси Филиппо Маринетти ва Уго Боччони, Карло Карра эдилар. Бу оқим Европадаги бир қатор мамлакатларда кенг тарқалди.

Футуризм оқимида яратилган асарлардан бири сифатида германиялик рассом Ш.Хубернинг “Тўкин-сочинлик жамиятидаги иш” номли сувратни кўрсатиш мумкин. 152-расм. Асар 1987 йилда яратилган бўлиб, у орқали футуризм оқимининг ғояларини осон тушуниб олиш мумкин.

**Примитивизм**-“примитив”, яъни содда маъносин билдиради. У XIX аср охири XX аср бошларида пайдо бўлган тасвирий санъатида тасвирий воситалар атайлаб жўнлаштириб, ибтидоий, ўрта асрлар, халқ санъати, болалар ижодига яқинлаштириб асар яратишдир.

Примитивизмнинг пайдо бўлиши буржуа санъатда ижодкор томонидан ҳаётни реал акс этдиришдан узоқлашуви, шунингдек, Европада ХУІ асрдан бошлаб шаклланган турли бадиий услублардан воз кечиш йўлидан ҳаракатлар билан боғлиқ.

Касбий маҳсус маълумот олмаган, осон тасвирий воситалардан фойдаланиб сувратлар яратган рассомлар қаторига франциялик А.Руссо, грузиялик Н.Пиросманавили кабиларни киритиш мумкин. Бу оқимда яратилган П.Пикассонинг “Раққоса” суврати ҳам бор. Хусусан. Унинг 1907-

1908 йилларда яратган “Раққоса”, Н.Пиросманашвилининг “Кичик балиқчи”, “Жираф” номли асарлари примитивизмга хосдир.

**Модернизм**, францизча “Модерн” сўзидан олинган бўлиб, энг яхши, замонавий деган маънони англатади. У бир қатор маданият ва санъат йўналишидаги оқимларнинг умумий номи бўлиб, унинг шаклланиши XIX-XX асрларга тўғри келади. Бу оқим вакиллари мумтоз санъатнинг инсопарварлик анъаналаридан воз кечадилар. Уни дастлабки шакллари кубизм, сюрреализм, абстракционизм ҳисобланади.

Бу йўналиш мутхассислари ўтмиш меросдан бутунлай воз кечиш ва мавжуд бадиий дид ва эстетик тушунчалар асосида шаклланган нормаларга қарамақарши бўлган янги принципларни яратиш ғояларини илгари сурадилар. Кейинчалик XX аср бошларида модернистик оқимларнинг ривожланиши асосида абстракционизм оқими пайдо бўлди. Уни предметсиз санъат ҳам дейишади. 1940 йилларда АҚШда “Тинч океан абстракционизм мактаблари” ни пайдо бўлиши унинг бошқа оқимлар орасида юқори ўринга чиқиб олишга имкон берди. 1940-1960 йилларда модернизм кўп мамлакатларга тарқалди ва ўша даврларда илғор ҳисобланган реализм қарши кўринишга эга бўлди. Санъатдаги бу оқимнинг мақсади маънавий эркинлик, ҳар бир расомдаги ўзига хосликни ифода этиш. модернизмнинг чуқур асосларини очиб ташлашдан иборат эди.

### **3.3. Ижодкорнинг тасаввурни акс эттира олиш қобилияти.**

Визуал идрок этиш учун мўлжалланган ҳар қандай тасвир кучи, биринчи навбатда, йўл қиёфада объектини ўзи хос хусусиятлари билвосита бу хусусиятлари идрок фақат кейин идрок ва йўқлигига боғлиқ. Шундай қилиб, энг самарали ва ишончли санъат ҳал - бу квадрат квадрат ёрдамида хусусиятларини тасвирланган<sup>15</sup>. Шунинг учун у, натижада, бу санъат истиқболли тасвир қонунларига рад васф кўп йўқотиш мумкин эмас. Бу уни рад қилганлар учун кўпроқ нуқтаи қонунларига асосланган санъатини ривожлантиришга кишилар учун муҳим эмас, балки бўларди эди, янги ифодали имкониятларни, ҳимоя қилиш учун амалга оширилади.

### **Форешортен**

Бундай хатти ҳаракат билан ошкор қилинган сезувчанлик жараёни психологлар томонидан хали ҳам “умумлаштириш” деб қабул қилинади. Бу термин олдиндан маълум назарий ёндашув бўлиб, у шу борада ўтказилган экспериментни ўзи билан рад этилган. Фараз қилинганки, англаш бу индивидуал ходисаларни ёзиб олиш билан бошланади, ва уларнинг умумий хусусиятларини фақат тушунчаларни интеллектуал шакллантира оладиган

<sup>15</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye.- Univercity of California Press, USA 2004.-P.-123.

тирик мавжудотлар орқали тасаввур этса бўлади. Шунинг учун, хар хил хажм, ориентация ва рангдаги учбурчакларнинг ўхшашлигини фақат миясида учбурчак тизимини умумий тушунчасини хар хил индивидуал кузатишлар асосида чизиб ифодалай оладиган кузатувчиларгина топа олади. Логик абстракция тажрибаси йўқ ёш болалар ва хайвонлар шу каби вазифаларни қийинчиликсиз амалга оширганликлари жумбоқли хайратни юзага келтирди.

Эксперимент натижалари сезги назариясини тескарисига суриб юборишни талаб этди.

Энди шундай туюлдики, кўриш қобилиятини биз хечам бирон деталдан умумийга ўтадиган тушунча деб қабул қила олмаймиз. Аксинча, шу нарса ойдин бўлдики, умумий таркибий хусусиятлар сезгининг асосий маълумотлари хисобланади, шунинг учун учбурчаклик тизими бу интеллектуал абстракцияни охирги махсулоти эмас, бироқ у индивидуал маълумотни ёзиб олишга нисбатан тўғридан тўғри ва кўпроқ бошланғич тажриба билан боғлиқ. Ёш бола бир итни бошқа итдан ажратиб танигунга қадар у “итга ўшаш” жонни кўради. Мен хозир шуни кўрсатмоқчиманки, ушбу психологик кашфиёт бадиий шаклни тушунишда хал қилувчи муҳим қадам хисобланади.

Бу янги назария ўзига хос муаммо туғдиради. Умумий таркибий хусусиятлардан бири сезги очиқ ойдин конкрет стимул намунаси билан берилмаган деб хисобланади. Агар масалан, бир одамни боши ёки бир қанча бошлар думалоқ бўлиб кўринса, ушбу юмалоқлик стимулнинг қисми деб хисобланмайди. Хар бир бош юмалоқликни ташкил қилувчи ўзининг мураккаб контурига эга. Агар бу юмалоқлик фақат интеллектуал равишда қабул қилинмасдан, балки ҳақиқатда кўрилса, қандай қилиб биз уни сеза биламиз? Эҳтимолий жавоблардан бири стимул конфигурацияси сезувчанлик жараёнига шу махнода кирадики, у мияда умумий хиссий категорияларнинг ўзига хос намунасини уйғотади. Бу намуна стимуляцияни англатади, худди илмий тавсифга ўхшаб, умумий тушунчалар тармоғи кузатилган феномен деб хисобланади. Илмий тушунчаларнинг табиати уларни феноменни “ўзини” эгаллаб олиш эҳтимолини инкор қилади, перцепция объекти стимул материални ўзига бутунлай ёки қисман эга бўлолмайди. Олим олмага яқинлаша оладиги, қачонки у уни вазнини, хажмини, шаклини, жойлашган жойини, ва мазасини ўлчаб синай олса. Перцепция объекти стимул “олмага” яқинлаша оладиги, қачонки у уни махсус тарзда юмалоқлик, оғирлик, мевалик тами, пишмаганлик каби умумий сезги хислатлари орқали ифодолай олади

Биз бу оддий, мунтазам шакл – квадратга қараганимизда, ушбу сезгини шакллантирувчи фаолият сезилмайди. Квадрат формаси, муболағасиз стимулда берилганга ўхшайди.

Агар биз яхши белгиланган ва инсон ясаган шакллар дунёсини тарқ этиб атрофимиздаги ҳақиқий табиат манзарасига назар ташласак, биз айнан нимани кўрамиз? Балким, жуда хаотик оммавий дарахтларни ва чакалакзорларнидир. Бази дарахт таналари ва шохлари бирон аниқ йўналишларни кўрсатиши мумкин, ва кўзларимиз уларга ёпишиб қолиши мумкин, ва бир бутун дарахт

ёки бута одатда бизга тушунарли доира ёки конус шаклида намоён бўлиши мумкин. Биз уларнинг япроқлилик ва кўкимтирлик текстурасини ҳам кўриб чиқишимиз мумкин, лекин табиат манзарасида шунчалик кўп нарсалар борки, кўзларимиз уларни хаммасини илғаб олиш қобилиятига эга эмас. Ва базида аралаш панорама бизга аниқ йўналишлар, хажмлар, геометрик шакллар, ранглар, ёки текстуралар конфигурацияси бўлиб кўриниши мумкин, ва биз уларни ҳақиқатда англай оламиз деб айтишимиз мумкин.

Агар бу тасвирлаш тўғри бўлса, биз шуни айта оламизки, нарсаларни англамоқ “сезувчанлик тушунчалари” маълумотидан иборат. Одатдаги стандартлар бўйича балки бу унчалик тушунарсиз терминдир, чунки сезгилар конкрет нарсалар билан чегараланиши керак, тушунчалар бўлса абстракт нарсаларга боғлиқ. Биров, юқорида қайд этилгандай, кўриш жараёни тушунчани шакллантириш ҳолатларига тўғри келади. Кўриш тажриба материали билан боғлиқ бўлиб, у тегишли шаклдаги умумий формаларни яратади, ва уларни биз биз фақатгина бирон бир индивидуал ҳолатларда қўллабгина қолмай, шунга ўхшаш бир неча бошқа ҳолатларда ҳам қўллашимиз мумкин<sup>16</sup>.

Лекин биз ҳечам “тушунча” сўзини ишлатган ҳолда, бир нарсани англашни интеллектуал жараён сифатида назарда тутмаймиз. Биз кўриб чиқаётган жараёнлар асаб тизимининг визуал секторига тегишли эканлигини назарда тутишимиз лозим. Лекин тушунча термини бўйича базида хисларнинг бошланғич фаолияти ва ундан юқори поғонадаги фикрлаш ёки мулоҳаза қилиш орасида жуда катта ўхшашлик борлигини англатади. Шунинг учун ҳам ушбу ўхшашлик шунчалик зўрки, кўп психологлар хисларимиз ютуқларини интеллект орқали уларга берилган сирли ёрдам билан боғлиқ дейдилар. Бу психологлар онгсиз ҳулосалар ва ҳисоблашлар тўғрисида сўзлайдилар, чунки уларнинг фарази бўйича, хис қилишни ўзи фақатгина ташқи дунё зарбаларини механик қайд қила олади. Энди шундай туюладики, худди шу механизмларнинг ўзи иккала сезувчанлик ва интеллектуал даражада фаолият кўрсатади, шунинг учун тушунча, баҳолаш, логика, абстракция, ҳулоса, ҳисоблаш каби терминлар бизни хисларимизни ишлашини тасвирлаш учун зарурдир.

Яқинда психологларни билдирган фикрларига кўра, биз кўришни инсон онгини ижодий фаолияти деб атасак бўлади. Амалга оширишларни хис туйғу даражасида англамоқ бу фикрлаш маконида тушунишни англатади. Ҳар бир одамни кўриш аъзоси расомни лол қолдирадиган қобилиятини шохиди бўлади, ва бу тажрибани ташкиллаштирилган форма орқали яққол интерпретация қилиб беради. Кўриш бу тушуниш қобилиятидир.

Шакл нима дегани?

Объектни жисмоний шакли уни чегаралари билан белгиланади – масалан, қоғоз парчасининг тўғри бурчакли томонлари, конуснинг ён ва пастки томонларини чегаралайдиган икки юзаси. Жисмоний шаклни одатда назарга

---

<sup>16</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye.- Univercity of California Press, USA 2004.-P.-287.

олинмайдиган хусусиятлари бу унинг бошқа фазовий аспектларидир: предмет ўнг ён томони билан тепага қараганда ёки тўнтариб қўйилганда, ёки бошқа предметлар хозир яқин жойлашганда. Ва аксинча, сезувчанлик шакли сезиларли даражада ўзгариши мумкин, қачонки уни фазовий ориентацияси ёки уни ташқи кўриниши ўзгарса. Визуал шакллар бир бирига таъсирини ўтказди. Бундан ташқари, биз яна кейинчалик шуни кўрамизки (72 Расм) , предметни шакли фақатгина уни чегаралари билан бедгиланмаслигини; чегаралар туфайли юзага келган склетни визуал кучлари , ўз навбатида чегаралар қандай тарзда кўринишига таъсир қилади.

Сезувчанлик шакли бу жисмоний предмет, маълумот етказиб берувчи ёруғ.Муҳити ва томошабиннинг асаб тизимидаги устунвор холатоар орасидаги ўзаро алоқа натижасидир. Ёруғлик шаффоф предметлардан ташқари бошқаларини кесиб ўтмайди.

Бу шуни англатадики, кўзлар фақат ташқи шакллар хақида маълумот ололади, ички шакллардан эса ололмайди. Бундан ташқари, ёруғлик тўғри чизиқлар бўйича ҳаракатланади, шунинг учун кўз қора чизиғида пайдо бўлган расм проекциялари фақат кўзларга тўғри чизиқлар билан боғланган предметни ташқи юзаси томонларига ўхшайди. Масалан кемани олди тарафи ён тарафидан қараганимиздан бошқача кўринади.

Бироқ, биз кўриб турган предметни шакли, фақатгина аниқ пайтдаги кўз қорачиғида юзага келган проекцияга боғлқ бўлмайди. Жиддий сўзлаганда, сурат биз бу предметда кўрган визуал тажрибиларимизни, ёки бутун хаёи давримиздаги бутунлиги билан аниқланади. Масалан, бизга қовунни кўрсатишса, лекин биз буни фақатгина бўш овқат қолдиғилигини билсак, яни бу ярим қобиқ бўлиб, елишмаётган қисми кўринмайди. У бутун қовунга асло ўхшамаслиги мумкин, ва унинг сирти бўлса бизга худди шундай шаклда кўринябди. Масалан, мотори йўқ бўлган машина мотори бор машинадан кўринишида фарқи бўлиши мумкин<sup>17</sup>.

Шу каби, агар бирон шахс ўз таасуроти асосида тирон суратни чизса, у бу суратга қанча шакллар киритишини танлаши мумкин. Уйғониш даври пайтда юзага келган расм чизишни ғарбий стили кузатиш доимий нуқтасидан кўринадиган шаклни чизишни тақиқлаган. Мисрлик, Америка хинду расомлар ва кубистлар бундай тақиқни инкор қилишган. Масалан болалар она қорни ичидаги чақалоқ расмини чизадилар, бушменлар кенгуруни тасвирлаганда унинг ички аъзолари ва ичакларини там чизадилар, кўр хайкалтарош лойдан яслган бошда кўз бўшлиқларида кўвак ясаб ва кейин унинг ичига кўз соққаларини жойлаштириши мумкин Бу худди мен айтган нарсага ўхшайди, шахс предметни чегараларини тушириб қолдириши мумкин, бироқ шунда бўлса ҳам у таний бўладиган расмни чизади (19 Расм).

Шахсдан бурама зинапоя қандай кўринишда бўлади деб сўралганда, у бармоғи билан кўтарилаётган спирални кўрсатади, у уни шаклини кўрсатмаябди, бироқ у объектда мавжуд бўлмаган асосий оқларини

---

<sup>17</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye.- University of California Press, USA 2004.-P.-231.

кўрсатаябди. Шундай қилиб, объектни шакли уни фазовий хусусиятлари билан тасвирланади, ва бу муҳим ҳисобланади.

Хар бир визуал тажриба макон ва вақт контексти ичида туради. Худди объектларни кўриниши маконда қўшни объектлар таъсирида бўлгандай, у ҳамда олдинги вақтда кўринган жойлар таъсирида бўлади. Лекин бу таъсирларни қабул қилмоқ предметни ўраб турган барча нарсалар уни шаклини ёки рангини автомат равишда ўзгартира дегани эмас, объектни ташқи кўриниши ўзини ичига фақатгина ҳамма таъсирларни мужассамлантирган. Фазовий муносабатларга қўлланган бундай қараш нотўғри бўларди, лекин шунда бўлса ҳам у тез тез вақтда муносабатларга алоқаси бўлган. Бизга айтишларича, ҳозир шахс кўраётган нарса, бу фақатгина уни ўтмишда кўрган нарсасидир. Агар мен ҳозир 26 Расмда тўртта нуқтани квадрат сифатида кўрсам, бу мени ўтмишда жуда кўп квадратларни кўрганимни англатади.

Шаклни ҳозирги пайт билан ўтмиш орасидаги муносабатларига ғўллик билан қараш керак эмас. Биринчидан, биз маъсулиятни ўтмишга рўқач қилиб ўтказишни давом эттира олмаймиз, чунки биз тан олишимиз керакки, барибир ҳар нарсани бирон жойда бошланиш нуқтаси бўлган. Гаetano Канисса бу ҳақида шундай дейди: “Биз ўзимизни атрофимиздаги нарсаларни аниқ таний олганмиз, чунки улар улар бизга сезувчаликни ташкиллаштириш кучлари орқали тажрибадан қатъий назар мустақил намоён бўлиб, уларни ҳис қилишимизга йўл қўйадилар”. Иккинчидан, ҳозирги шакл билан ўтмишдаги кўрган нарсаларимиз орасидаги ўзаро таъсир автомат ва универсал тарзда равишда рўй бермайди, балки бу муносабат улар ўртасида қабул қилинишига боғлиқ бўлади. Масалан, 20д расм ўз ўзидан худди вертикал чизиққа боғланган учбурчакка ўхшайди.



19 Расм




20 Расм

Лекин 20а,б ва с расмларда у балким девор орқасига йўқолаётган квадрат бурчаги бўлиб кўриниши мумкин. Бу эффект фазовий контекст орқали пайдо бўлади 20 расмда кўрсатилгандай, ва хатто яққол дунёвий нуқтаи назаридан, масалан, агар а, б, с, д худди анимацион филмга ўхшаб бир биридан кейин келса. Бундай эффект юзага келадики, чунки етарлича кучли тизилмавий ўхшашлик шаклларни бир бирига боғлайди. Шунга ўхшаб, 21 Расм бирдан ўзини шаклини ўзгартириши мумкин, қачонки бизга бу ойна орқасидан ўтиб кетаётган жираф деб айтишса.



21 Расм

Бу ерда оғзаки тасвирлаш визуал хотира изини юзага келтиради, ва у алоқа ўрнатиш учун чизмага етарли даражада ўхшайди. Хамма психология талабаларига маълум бўлган экспериментда, ноаниқ шаклларни идрок қилиш ва такрорлаш оғзаки кўрсатмалар орқали таъсир кўрсатилган. Масалан, 22а Расм 22б расмда такрорланган, қачонки объектга қум соати экранда бир зумга пайло бўлади деб айтилди, ва бу ерда С натижада жадвалда кўринди. Бундай экспериментлар биз кўриб турган нарса бутунлай биз олдинроқ кўрган нарса билан белгиланишини исботламайди. Уларни кўрсатиши бўйича таниш объектларни хотридаги излари биз кўраётган шаклга таъсир қилиши мумкин, ва улар бизга бошқача шаклда кўриниши мумкин, агар уни тизими бунга йўл қўйса.




22 Расм

Кўпчилик стимул намуналари бир томондан ноаниқдир. 22а расм хар хил маънода талқин қилинса бўлади, чунки у бир қатор эркинликни таклиф




этадики, унга кўра олдинги тажороба ва кутиш хал қилиши мумкинки, унда кум соат ёки стол кўриняптими. Лекин ўтмишнинг хеч қандай қудрати биз бу расмни жираф сифатида кўришимизга мажбур қила олмайди. Бошқа экспериментларни кўрсатишича, агар бирон бир шакл кузатувчиларга 100 марталаб кўрастилган тақдирда ҳам, у барибир янги контекста тақдим этилганда кўримсиз бўлиб қолиши мумкин. Масалан, 23а расм синчиклаб ўрганиб чиқилгандан кейин, Б ўз ўзидан хали ҳам учбурчак ва квадрат бўлиб кўринади, лекин бошқа шакллар бтлан ўралган таниш олтибурчак бўлиб эмас С расмда кўрсатилгандай.



23 Расм

Кузатувчи ҳам яхши маълум 4 рақамини 24 Расмда дархол кўра олмаслиги мумкин. Бундай холларда ниқоблаш эски усуллар ўрнига янгиларини ишлатиб амалга оширилиши мумкин, бурчакларни кесишган чизиқларга алмаштириб, ва ўхшашликларни манипуляция қилиб, масалан тизимли оқларни ва симметрияларни. Хатто ўтмишдаги етарли тажриба ҳам бундай айёрликни еча олмастиги мумкин. Амин бўлиш учун, квадратлар ва учбурчаклар бизга олти бурчак ва тўртбурчакларга ўхшаб танишдир. Ахамиятлиси шундаки, ушбу конфигурацияга қайси тизимларни тўғри келишидир. Хотранинг таъсири таъсири кучаяди, қачонки кучли шахсий зарурият кузатувчини берилган сезувчанлик хусусиятларини кўришга мажбур қилади. Горнбрех шундай дейди:



24 Расм

“Предмет бизга нисбатан қанчалик каттароқ биологик ахамият касб этса, биз уни шунчалик кўпроқ танишга интиламиз, ва шунинг учун биз расмий ёзишмалар стандартига бағри кенглироқ муносабатда бўламиз.” Кўча бурчагида туриб ўз ёрини пойлаётган эркак хар бир ўтиб кетаётган аёлда ўз

ёрини кўради, ва ушбу хотира изи зулми дақиқалар ўтган сари мустахкамлашиб боради. Психоаналитик ҳар битта санъат асарида жинсий аъзоларни ва бачадонларни кўради. Роршах тестини ўтказадиган психологлар стресни идрокка кўрсатадиган таъсирини ўрганиб чиқадилар. Ушбу тестда ишлатилган сиёҳ доғларининг таркибий ноаниқлиги кўпгина турли талқинларга сабаб бўлади, шунинг учун индивидуал кузатувчи ўз рухий холати ишора қилганни ўзи танлайди.

### Шаклни кўрмоқ

Шаклни фазовий хусусияларини қандай қилиб тасвирлаш мумкин? Бунинг энг аниқ йўли ушбу хусусиятларни юзага келтирадиган ҳамма нуқталарни жойлашувини белгилаб чиқишдан иборатдир. Ўзининг Делла Статиа рисоласида Леон Баттиста Алберти уйғониш даври хайкалтарошларига 25 расмда кўрсатилган жараённи жуда ҳам маслаҳат берди. Чизма линейкаси, протрактор ва вертикал чизиқ ёрдамида, хайкалнинг ҳар қандай нуқтаси бурчаклар ва масовалари нуқтаи назаридан тасвирланса бўлади. Шундай ўлчамларнинг етарлича сони ёрдамида, хайкални нусхасини осонликча яшаш мумкин. Ёки, Албертини айтишича, шаклни ярим қисми Парос ороилида ясалиши мумкин, қолган ярми эса Каррара тоғларида ясалиши мумкин, ва шунда ҳам уни икки қисми бир бирига тўғри келиб бирлашади. Ва айнан шу услубнинг мохиятлари индивидуал объектни репродукция қилишга йўл беради, ва бунинг натижалари одамни хайратда қолдиради. Хеч бир тарзда хайкал шаклининг табиати майда чуда ўлчовлардан йиғилолмайди, чунки бу ўлчовлар натижа маълум бўлишадан аввал қўлланиши лозим<sup>18</sup>.

Ушбу жараён худди аналитик геометрия жараёнига жуда ўхшаб кетади, қачонки фигурани шаклини аниқлаш учун, фигура ташкил топган нуқталар: улар фазовий тарзда вертикал (у) ва горизонтал Картезиан координатидан ўз масофалари орқали аниқланадилар.




Figure 8 1

<sup>18</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye.- University of California Press, USA 2004.-P.-201.

<sup>19</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye.- University of California Press, USA 2004.-P.-106

## Ошкоралик

Оддийлик тушунчаси остида биз нимани англаймиз? Биринчидан, оддийликнибиз тақдим этилган нарсани қийинчиликсиз тушунадиган кузатувчининг субъектив тажрибаси ва ҳукми деб белгилашимиз мумкин. Оддийликка биз Спиноза тартиб ҳақида айтган тушунчасини қўллашимиз мумкин. Этикадан олинган парчага кўра, биз нарсаларда тартиб борлигига маҳкам ишонамиз, хатто биз бу нарсалар ва уларнинг табиати тўғрисида ҳеч нарса билмаасак ҳам. “Нарсалар шундай тартибда жойлаштирилганки, улар бизга тақдим этилганда, биз шз хиссиётимиз билан уларни тасаввур қила оламиз, ва натижада уларни осонликча эсда сақлаб қоламиз, биз уларни яхши тартибда жойлашган деб атаймиз, ёки қапама қарши тарзда уларни ёмон ёки нотўғри тартибда жойлашган деймиз”. Эксперимент олиб борувчи кузатувчилар учун баъзи шаклларни тушуниш қанчалик осон ёким қийинлигини аниқлашда объектив мезонларни қўллаши мумкин. Кристофер Александер ва Сюзан Кэри қуйидаги саволларни сўрадилар: Шакллар тўпламида, қайси бил шаклни тезроқ таниб олиш мумкин? Шакллар оддийлиги бўйича тартиб бўйича қандай қўйишимиз мумкин? Қайси шаклларни осонлик билан эслаб қолишимиз мумкин? Қайси шаклларни бошқалари билан адаштиришимиз мумкин? Қайси шаклларни сўз билан тартифлаш осонроқ?

Ушбу экспериментларда тадбиқ қилинган субъектив реакциялар бизнинг муаммоимизни фақат бир аспектидир. Биз визуал объектларнинг хусусияларини таҳлил қилган ҳолда уларнинг объектив оддийлигини ҳам аниқлашимиз зарур. Объектив ва субъектив оддийлик ҳар доим бир бири билан параллел юрмайди. Тингловчи хайкални оддий теб топиши мумкин, чунки у уни чалкашлигидан хабари йўқ; ёки у уни мураккаб деб топиши мумкин, чунки у хатто ўрта нозик тизимлар билан ҳам кам таниш бўлиши мумкин.

Ёки у хайрон бўлиши мумкин, чунки у янги, “замонавий” стилдаги шаклларни кўришга одатланмаган, хатто ушбу стил кўриниши бўйича оддий бўлса ҳам. Хусусан томошабинлар қандай муносабатидан қатъий назар, биз шундай савол беришимиз мумкин: Бир нақш ташкил этувчи шаклларни таҳлил қилиб оддийликни қандай аниқлаш мумкин? Бунда оддий ва аниқ йондашув бу фақат элементлар сонини санаб чиқишдир:

Ушбу расм қанча чизиклар ва ранглардан иборат? Бироқ бундай мезон билан ёндашиш адашишга олиб келади. Агар элементлар сони бутунлай олганда оддийликка таъсир қилса ҳам, 30 расмдаги мусиқий мисоллар шуни кўрсатадики, узок кетма-кетлик қисқа кетма кетликка қараганда оддийроқ бўлиши мумкин. Тўлиқ оханг кўламли етти элемент шаклга бирлашади, ва бу шакл изчил йўналиш ва тенг қадамлар билан ўса бошлайди (расм 84, 6.)

**4-мавзу: Рельефли композициянинг алоҳида хусусиятлари ва фарқини таҳлил қила олиш йўллари. Саноат графикаси, плакат ҳамда бадиий безак санъати композициясиларининг ўзаро уйғунлиги.**

**Режа**

4.1. Рангтасвир, графика, дизайн ва амалий санъат фанларини ўқитишда индивидуал ёндашув.

4.2. Тасвирий ва амалий санъатга оид асарлар.

4.3. Тасвирий ва амалий санъатнинг ривожланиши.

**Таянч иборалар:** Тасвирий санъат, амалий санъат, картина, рангтасвирда жанрлар, мойбўёқ, акварель, гуаш, бўёқларнинг солиштирма хусусиятлари, компоновка, перспектива, умумийлик, яхлитлик, ахроматика, хроматика, совуқ ранг, иссиқ ранг. колорит.

**4.1. Рангтасвир, графика, дизайн ва амалий санъат фанларини ўқитишда индивидуал ёндашув.**

Умрида бир карра илҳом чашмасидан баҳраманд бўлиб, дилидан чиқариб расм чизолган одам бахтли одамдир. Ҳар биримиз ҳам, болалик чоғларимизданок кўлимизга мўйқаламу - бўёқ олиб, қуёш, гуллар, қушлар, дарахтларнинг расмини солишга уринганмиз. Худди ана шу нарса кишининг бевосита ҳаётдан олган бахтиёр ва фахрли туйғуларининг ёрқин ифодасидир.

Камолотга эришган рассом эса ўзининг тўплаган тажрибасига таяниб, табиатдан илҳом олиб, гул ва япроқлардан турли-туман шакллар ясайди, уларга жимжимадор бўёқлар беради, турли нақшлар ва чизиқлар билан безайди. Ўзбек усталарининг рангтасвир ва амалий санъатга оид асарларида халқ маданияти, турмуши ўз аксини топган. Санъатнинг бу тури асарлар оша такомиллашиб келди ва бизнинг кунларда ҳам тобора камол топаётир.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда янги маънавий – ғоявий йўналишларнинг шаклланиши замонавий санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этди, ижодий изланишлар доирасини кенгайтирган ҳолда, бадиий тафаккур ривожини янада жадаллаштирди. 1991–2012 йиллар давомида маҳобатли ва ландшафтли ҳайкалтарошлик, интерьер ва жиҳозлаш, деворий рангтасвир турлари; витраж, мозаика ва меъморлик билан узвий боғлиқ маҳобатли - безак санъати жамоа ва уй - жой муҳити эстетикаси шаклланишига салмоқли ҳиссасини кўша олишга эришди. Шу даврда барпо этилган йирик иншоотлар маҳобатли рангтасвирчи, ҳайкалтарош, бадиий кулолсоз, шишасоз, ганч ва ёғоч ўймакорлиги ҳамда бошқа ижодкорларнинг фаол иштирокида бунёд этилди.

**Рангтасвир, графика, дизайн ва амалий санъатда бадиий жараён бир мунча шиддатли ва серҳаракат кечди. 1991-2012 йилларда бўлиб ўтган кўп сонли кўرғазмалар шуни тасдиқлайдики, мазкур давр рангтасвири услуб ва композицион ечимнинг турли - туманлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу**

эса рангтасвирчиларга ижодий эркинлик, шунингдек бадий тасвирни акс эттиришда шакл ва воситаларни мустақил танлаш имконини яратди.



Сўнги йиллар давомида узоқ ва яқин хориж, шунингдек, республикада ўтказилаётган халқаро миқёсдаги бадий кўргазмалар асосини анъанавий ҳамда ноанъанавий тарздаги дастгоҳли рангтасвир асарлари ташкил этади.<sup>20</sup> Мамлакатимиз Мустақиллик кунига бағишланган,

доимий ўтказилиб келинаётган бадий кўргазмалар бу борада энг етакчи бўлиб келди. Бу кўргазмада республика миқёсида тасвирий ва амалий санъатнинг барча турларида юзага келган етук ва намунали асарлар намойиши этилди.

**Дастгоҳли рангтасвир** услубий йўналишлари ва оқимлари ҳақида сўз юритиладиган бўлса, улар орасидаги чегаралар шартли хусусиятларга эга бўлишига қарамай, анъанавий ва ноанъанавий, яъни тарихий-маданий меросга миллийликни сақлаган ҳолдаги мурожаати, шунингдек, биргина рассомнинг бир неча йўналишларда ижод қилишини ҳам таъкидлаш лозим. Реалистик, академик йўналишни ўз ижоди ва педагогик фаолиятида кенг қўллаган равишда сермахсул ижод қилаётган кекса ва ўрта авлод рассомлар ижодига хосдир. Булар Ўзбекистон халқ рассомлари ва фахрий академиклар (марҳумлардан: Р.Аҳмедов, Н.Қўзибоев, Б.Бобоев, Д.Имомов, О.Муинов) С.Абдуллаев, В.Бурмакин, Б.Жалолов, А.Мирзаев, Ж.Умарбеков, А.Икромжонов, С.Рахметов, Й.Турсунназаров, шулар қаторида ўз махоратларини ёшларга ўргатаётган таниқли рангтасвирчилар Р.Худойберганов, М.Нуриддинов, Э.Машарипов, А.Маматова, Р.Ризамуҳаммедов, М.Тошмуродов, А.Аликулов, М.Эргашев, И.Мансуров, Н.Шоабдурахимов ва бошқалардир. Уларнинг асарларида бу йўналиш учун анъанавий бўлган - тарихий ва жанрли картиналар, портрет, манзара натюрморт - жанри ва мавзулар ўз ифодасини топмоқда. Мустақилликнинг қўлга киритилиши ва янги мафкуранинг ўз мавқеига эришуви натижасида миллий тарихимиз саҳифаларининг янгитдан яратилиши бадий жараёнда алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Давлатимиз равнақи ва мустақиллигига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистоннинг кўзга кўринган маданият ва тарих намоеңдалари сиёсий унутишдан ва йўқликдан қайта туғилиши билан санъатда уларнинг портретлари галереяси вужудга келишига туртки бўлди.

<sup>1</sup>Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York. - 2003. – p.46.



Замонавий ҳаётда асосий мавзу бўлиб келаётган Амир Темир образи, мазкур давр фаолиятлари бу галереяларда асосий ўрин эгаллайди. Буюк Соҳибқирон образига республиканинг йирик рангтасвирчилари академиклар М.Набиев ва Н.Қўзибоевлар мурожаат қилдилар. Мусаввирлар ўзига ишонган, жаҳонгир ҳукмдор образини яратдилар. М.Набиев томонидан яратилган Амир Темур (1999) образи ўзининг сеҳрли жозибаси ва кучли таъсири билан замонавий тарихий рангтасвирнинг ўзига хос мумтоз асарига айланиб, эталон сифатида қабул қилинди. Темурийлар сулоласининг бошқа

вакиллари ҳам рангтасвирчилар томонидан катта қизиқиш билан тасвирланади. М.Набиев мўйқаламига мансуб Заҳириддин Бобур портрети романтик тарзда ечилган. Бобур ижод жараёнида, қўлида қалам, кўзлари эса олисларга қадалган. Таниқли портретчи rassom С.Рахметов Темурийлар даври тарихий шахслар образларини маҳорат билан яратади. Ўзбекистон Миллий Банки ва Темурийлар тарихи Давлат музейи 1999 йилда Ўзбекистоннинг етакчи портретчилари иштирокида Темурий шахзодалар портретлари танловини эълон қилди ва Темурийлар авлодининг кўзга кўринган давлат арбоблари портрети яратилди.

#### 4.2. Ўзбекистон рангтасвир, графика, дизайн ва амалий санъатга оид асарлар.



Rassom ижодида замонаси руҳини тимсоллаштирувчи, умумлашма тарздаги рамзий-портретлар вужудга келмоқда. Т.Курязовнинг "Жалолиддин Мангуберди"га (1997) бағишланган портрети (эталон сифатида қабул қилинди), М.Йўлдошевнинг "Алпомиш" (1998 — 2000) достони қахрамонига бағишланган туркум асарлари, Э.Машариповнинг "Алпомиш" (1998), Р.А.Худайбергановнинг "Спитамен" полотнолари шулар жумласидандир. Тарихий меросимизни бадиий ёритишда 2000 йилда бўлиб ўтган "Шаҳидлар хотираси" кўргазмасида жадидлар портретлари

туркумлари билан иштирок этган А.Икромжонов, Т.Қўзиёв, М.Нуриддинов,

С.Рахметовлар ҳам катта ҳисса қўшдилар. Э.Машарипов ва А.Алиқуловларнинг "Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан ғалабаси" (1996), З.Фахриддиновнинг "Зафар" (1997), М.Нуриддиновнинг "Саид Барака Амир Темурни ҳокимият рамзи - ноғора ва ғалаба байроғи билан тақдирламоқда" сингари сюжетли асарларда Амир Темур енгилмас саркарда, ўз халқининг шавкатли ўғлони сифатида гавдалантирилган. Бу кўпфигурали композициялар ўзида очиқ ҳаракат майдонини намоён этадики, Амир Темур доимий тарзда марказий, бош қиёфа тарзида талқин этилган. Буюк саркарданинг яратувчанлик фаолияти С.Абдуллаев полотноларида акс этган бўлиб, мазкур асарларда у буюк меъморий обидалар фонида тасвирланади ("Амир Темур Бибиҳоним масжиди қурилишида", "Осмонинг беғубор бўлсин, буюк Туркистон").

Рангтасвирнинг реалистик **жанрида** ижод этган ўтмиш ижодкорларимизнинг бой меросини тан олинганлиги, шунингдек, жаҳон санъати илғор тажрибасини чуқур ўрганишдан далолат бериб, бутун дунёда авангард йўналиш билан бир қаторда, айнан, реалистик йўналиш ривожига эътибор билан қаралганлигини кўп жиҳатдан намоён этади. Жумладан, академик Р. Аҳмедов ўз портретларида эпик кенглик ва теранликка эришса-да, унинг қахрамонлари оддий инсонлар бўлиб, айнан, уларда мусаввир донишмандликни, маънавий покликни, юксак ахлоқий қоидаларни гавдалантирса ("Жиззахлик аёл", 1992; "Нигина" 1993), рангтасвирчи А.Икромжоновнинг портретлари юксак маҳорат ва диққат билан ишланганлиги, колоритга бойлиги, шунингдек, образнинг руҳий тўлақонлилиги ("Малика портрети" (1993), "Мадина" (1993) билан ажралиб туради. 1990 йилларда **портрет жанрида** Б.Жалолов фаол ижод қилди. Шуни таъкидлаш жоизки, реалистик чизмалар яратишда у мислсиз даражага эришадими, бу борада унга ҳеч ким тенглашолмайди. Охириги ўн йилликда яратилган "Саудия Арабистони қироли Аравий Фахд ибн Абдул Азиз" (1992), "Академик С.Азимов портрети" (1998) ва бошқа полотноларни мусаввирнинг ўзбек рангтасвирчилар орасида дунё талаблари даражасида яратган асарлари қаторига киритиш мумкин. С.Рахметов ижодида портрет асосий ўрин эгаллайди. Охириги ўн йилликларда яратган энг яхши портретлари қаторида "Юнус Ражабий портрети" (1993), "ГФРнинг Ўзбекистондаги элчиси Г.Кун портрети" (1999) алоҳида аҳамият касб этади. 1990 йилларда ўзбек рангтасвирининг ўзига хос бўлган рамзий - романтик услубда миллий ўзига хосликни талқин этиш авж олди. А. Мирзаев, О. Қозоқов, Н. Шин, И. Валихўжаев, И. Мансуров, С. Раҳметов ва бошқалар ёрқин безакдор ва чизиқли-шаклий асарлар яратдилар. Бу даврда бўлиб ўтган турли кўرғазмаларда - миллий романтиклик бироз ёрқинроқ ранглар ва мураккаблаштирилган композицион ечимда шакллантирилган асарлари билан — О.Қозоқов фаол иштирок этади. Мусаввирнинг аксарият асарлари халқ фольклори ва дostonлари асосида вужудга келгандир ("Канизаклар" триптихи 1996 й). Шунингдек, академиклар: Б.Жалолов, Ж. Умарбеков, Л. Ибрагимов, рассомлар Н. Шоабдурахимов, Ж.Рахмонов

ижодида фалсафий - таҳлилий ва ассоциатив - мажозий йўналишлар ўзининг тўла аксини топди. 90-йилларда рангтасвир санъатига кўпгина графикачи рассомлар ҳам мурожаат қиладилар.

Н. Шоабдурахимов рангтасвир муҳитини, унда жойлаштирилган фигураларни рангли мозаикага ўхшатади, бунда ранглар ўзаро зид ҳолда ёхуд ягона тусга бўйсундирилади ("Одам Ато олган олма", 1992; "Икар", 1997; "Ёлғиз", 1997; "Рақс", "Минотавр туши", 1998). Ўзбекистон дастгоҳли графика санъати ривожини умуммаънавий восита сифатида кўп йиллар хизмат кўрсатган рассомлар сингари ёш рассомлар ижодида томошабинлар эстетик қарашларини ифодалашга интилиш ҳамда жамиятдаги маънавий саволларга жавоб беришда намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг юртимизнинг қадимий тарихини ёритувчи китоб ва рисолалар кўплаб нашр этила бошланди. Уларда Ўрта Осиёнинг буюк шахслари Амир Темур, Аҳмад Яссавий, Хожа Аҳрор, Ал - Бухорий, Ал - Фарғоний, А. Чўлпон, А. Фитрат кабилар ҳақида маълумот берилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ўндан ортиқ нашриётлар фаолият кўрсатмоқда. Бадиий адабиётларнинг асосий қисми Ғ. Ғулом нашриёти, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Чўлпон», «А.Қодирий»



чош этилмоқда.

номидаги нашриётларда чош этилмоқда. «Медицина» нашриёти ҳам ушбу соҳада фаол хизмат қилмоқда. Ушбу нашриётда, замонавий ўзбекистонлик муаллифлар билан бир қаторда аجدодларимиз қаламига мансуб, шунингдек, хорижий муаллифларнинг асарлари ҳам

Тажрибали устоз графикачи - рассом марҳум А. Маҳкамов томонидан «Шарқ халқлари эртақлари» китобига ишланган иллюстрациялар бадиий



жихатдан юксак бажарилган бўлиб, улардаги реалистик чизма асосида Шарқ миниатюраси таъсири яққол сезилади.

### 1.3. Тасвирий санъатнинг ривожланиши.





Ўзбекистон рангтасвир ва монументал безак санъатига оид ажойиб асарларнинг шон-шухрати бутун дунёга ёйилган. Бирок жаҳонга машҳур бу санъат намуналари, асосан Варахша, Тупроққалъа, Болаликтепа, Афросиёб саройларидаги деворий ёзув ва нақшлар, ҳамда Ўзбекистон музейларида намойиш этилаётган, сўнгги пайтларда топилган XIX —

XX асрга оид уй-рўзгор буюмларидаги нақш ва гуллари билан чекланиб қолмоқда. Ҳолбуки, кўпгина тураржой биноларидаги, ўртача маҳаллий мачитларидаги, сўнгги асрларда бунёд топган иншоотлардаги, замонавий меъморчилик услублари узвий равишда уйғунлашиб кетган иморатлардаги ранго-ранг безаклар, асрлар мобайнида юзага келган нафосат дурдоналари, ёрқин ва қувноқ рангларда ўта юксак дид билан адо этилган безаклар деярли панада қолган.

Ҳар бир давр тасвирий санъатга ўзининг муносиб улушини кўшиб келди. **Меъморчилик ва тасвирий санъат** ривожланиши билан узвий боғланган ҳолда ўз услубини такомиллаштирди<sup>21</sup>. Эрамиздан олдинги давридаёқ ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Бактрия, Сўғд, Хоразм, Шош ва Паркана вилоятларида монументал нақшу - безаклар ривожланган эди. Археологлар томонидан Сурхондарё вилоятидаги Фаёзтепа (I—II аср) ва Далварзинтепа (I аср) будда ибодатхоналари, Хоразмдаги Тупроққалъа саройи (III аср) ва бошқалардаги деворий расмларнинг қолдиқлари шундан далолат беради. Шу давр Ўзбекистон безак санъати деворга туширилган воқеабанд расмларнинг нақш ва ҳайкалтарошлик шакллари билан уйғунлашуви камолот даражасига кўтарилган эди.

Илк ер эгалиги даврида (VI—VII аср) қасрлар, ибодатхоналар ва бойларнинг уйлари панно, хошия сингари безаклар билан обдон безатилган. Усталар маъдан бўёқларни елимли сувда аралаштириб, уни қуруқ мато юзига сурганлар, шу тариқа афсона ва эртак йўлида хаёлдаги нарсаларни ҳақиқат билан йўғириб, турли - туман шакллар чизганлар<sup>22</sup>.

Шу нарса диққатга сазоворки, бу давр ибодатхоналари ва қасрларидаги деворий расмлар меъморчиликка қаттиқ боғлиқ бўлган. У четидан бу четигача супа бўйлаб турган чорбурчак меҳмонхона деворларига тўлдириб расм ишланган. Рассомлар ҳар ер - ҳар еридан эшиклар билан бўлиниб турувчи яхлит айлана манзара яратган деса бўлади. Тантанали маросимларга мўлжалланган бундай улуғвор хоналар дераза - дарчадан холи бўлиб, ёруғлик

<sup>21</sup> Rudolf Arnheim. Art and Visual Perception: A Psychology of the Creative Eye.- University of California Press, USA 2004. -P. 82

<sup>22</sup> Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York. - 2003. - P.52

фақат юқоридан тушиб турган. Шу кунларгача сақланиб қолган деворий нақшу безаклар бамисоли ўша даврдаги мураккаб, жўшқин ҳаётнинг даракчисидек намоён бўлади. Бу нақшу тасвирларни икки йўналишга бўлиш мумкин: бири ҳаётининг асосий мазмуни илоҳий Будда эътиқодидан иборат қадимги будда санъати оқими бўлса, иккинчиси дунёвий оқим бўлиб, бунда рассомлар уруш, базм, ов сингари манзараларни тасвирлаганлар. Илк ўрта аср давридаги бутун Ўрта Осиё тасвирий санъатининг умумий хусусияти — бу безакчиликни ташкил этган расмларда одатдаги «кенглик», «бўшлик» деган гапларни учратмаймиз, соя йўқ, бироқ улардаги ҳажм моҳирона ишланган расмда мана мен деб туради. У айниқса, расмнинг умумий тузилишида ва деталларда яққол кўзга ташланади. Одатда кўп миқдордаги жонли



маҳлуқларнинг тасвири биргина ранг билан ифода этилган, таги ё кўк, ё қизил рангда бўлган чизматасвирнинг тархлари эса гоҳ гоҳ, гоҳ тўқ қизил тусда берилган.

Афросиёб ва Варахшадаги қасрларнинг зеб-зийнатлари, Кувадаги будда ибодатхонасининг ва Болаликтепадаги қишлоқ кўрғонининг безаклари ҳам нақшу безаклар, ҳам ҳайкалтарошлик, ҳам ганчга ўйиб ишлаш санъатининг чинакам намуналари бўлиб, ўша давр маданий ҳаётининг энг ажойиб ютуқларидан шоҳидлик бериб турибди. Бу санъат асарларининг сеҳр кучи ҳақида бир неча аср кейинроқ Шарқнинг энг машхур шоирларидан Фирдавсий ҳам илҳом билан байтлар битгани маълум.

Ўша йилларда бунёд этилган бино деворларидаги нақшлар, умуман олганда, Ўрта Осиё **тасвирий санъат**ининг хусусиятини ўзида намоён этар эдилар. Элчиларнинг тантанали суратда шоҳ қабулида бўлишлари, шоҳ саройи, қаҳрамонона жанглар мардона тасвирланган бири-бирдан мароқли манзаралар мусаввирлар ёқтирган асосий мавзулар бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи илк ўрта аср аҳолиларининг ижтимоий, маданий ва ахлоқий идеалларини ўзларида тўла акс эттирар эдилар.

IX—X асрларда Ўзбекистон ҳудудида безакли нақшлар, айниқса, кенг тус олди. Аста-секин нақшли шакл ва композицияларнинг маълум қонунлари ишлаб чиқиладиган бошланди. Мусаввирлар кашф этган санъатнинг янги бир оламида биз рамз ва тасаввурлар, тимсол ва дуо-афсунлар, ташбих ва таносибларнинг нақадар мўллагини кўрамиз.

Ўрта аср Ўзбекистонининг рангтасвир, безак санъатида ранг ва нақш рамзийлиги биринчи ўринга қўйилади. Қайси бир тасвирни олмайлик, унинг замирида, албатта, қандайдир рамзий маъно яширинган бўлади. Ғоят мураккаб нақш композициясини бунёд этар эканлар, мусаввирлар, маълумотли киши бир қарашдаёқ илғаб олиши мумкин бўлган яхши тилакларни акс эттирганлар.

Хусусан, нақшдаги рангларнинг ўзларига хос маънолари бўлган. Масалан, гулсафсар осойишталик ва умр узоқлик тимсоли, тўлқинсимон гул пояси — бойлик ва фаровонлик тимсоли, новда ва япроқлар эса тўкинчилик ҳамда табиатнинг баҳор чоғида уйғонишини англатган. Безакли нақшу нигорлар мусаввирларнинг она табиатга чуқур муҳаббатларини ифода этиб, уларнинг жўшқин ҳаёт билан доим ҳамнафас эканликларини билдирган.

Гуллар ва нақшлар борасидаги халқ тасавури доим сеҳр - жоду, акидалар, урф - одатлар ва панд - насиҳатлар билан қоришиб кетган. Масалан, оқ ранг бахт ва омадни билдирган, зангори ранг — олий эътиқодни, қизил ранг



— хушчакчақлик ва шодликни ва ҳоказо. Ранглар бир - бирига чаплаштирилмай, ҳар бири ўз ҳолича ғоят тиник берилсада, ҳатто бир - бирига энг зид ранглар ҳам қандайдир яхлитликка эга бўлган.

Ранглардаги бу рамзийлик Ўзбекистон халқларининг либосларига, заргарлик буюмларига, уй - рўзғор ашёларига ва уй - жой безакларига ҳам узвий равишда кўчиб ўтган.

*Амалий санъат*нинг энг кенг тарқалган шакли бўлмиш орнамент (нақш, гул, расм) башарият маданиятининг ҳамма босқичларида унга ҳамроҳ бўлиб келган. Унинг энг оддий принциплари — булар уйғунлик, бир - бирига мутаносиблик, йўсин ва усулларнинг қайта - қайта такрорлашуви. Нақш (расм) даги йўсин(мотив)лар аксарият барқарор бўлиб, ўзининг орнаменталлик шаклини йўқотмагани ҳолда бир буюмдан бошқа буюмга кўчиб юради. Бу хилдаги безакларга кўпроқ хос бўлган мотивлар мебелларда, уй - жой, рўзғор ашёларида, девор ва шифтга ишланган кенг ҳажмдаги безакларда яққол кўринади<sup>23</sup>.

Темур ва темурийлар даврида санъатнинг барча тури, жумладан, безакли нақш юксак даражада камол топди. Воқеабанд (сюжет) нақшлар қайтадан жонланди. Ҳатто эндиликда у биргина миниатюра соҳасида эмас, балки монументал санъатда ҳам ривож топди. Темур буйруғи билан тикланган саройларнинг деворларида тўйлар, машшоқлар, амирнинг ўз расми, малика ва уларнинг қариндош - уруғлари, уруш ва шаҳар муҳофабаси, ҳукмдорлар, аъёнлар ва олимларни қабул қилиш маросимлари тасвирланди. Ўрта аср муаллифларининг шоҳидлик беришларича, Улуғбек расадхонасида ҳам тасвирий манзаралар бўлиб, уларда тўққиз қават осмону етти қават ер, собиту сайёралар, тоғлар, денгизлар, саҳролар ва ҳоказолар акс эттирилган.

Бу давр тасвирий санъатининг асосий вазифаси ҳукмдорнинг куч-қудратини, ҳарбий шавкатини улуғлашдан иборат бўлган.

Афсуски, вайронагарчилик келтирувчи урушлар ва вақт тақозоси билан қасрлар ҳамда бошқа жамоат биноларидаги расмлар йўқ бўлиб кетган. Бу даврга оид бўлган табиат манзараси акс эттирилган расмларнинг айрим қисмлари Самарқанддаги (Ширинбека оқа, Туман оқа, Бибихоним) ва

<sup>23</sup> Paintings: that Changed the World.-Munich. Berlin, London, New York. - 2003. – P.63

Шахрисабздаги (Гумбази Саййидон) ёдгорлик биноларининг ички қисмида сақланиб қолган. Кўк бўёқ билан оппоқ ганч устига дарахтлар, бутоклар, кушларнинг шакллари ҳал бериб ниҳоятда нафис ифода этилган. Шу даврда ишланган миниатюраларни кўздан кечирар эканмиз, тураржой биноларининг ички қисмларига ишланган расмлар ҳам сюжет ва орнаментал нақшлардан мустасно эмаслигининг шоҳиди бўламиз. Деворий нақшлар композицияси билан миниатюралар сюжети бир - биридан деярли фарқ қилмайди. Мусаввирлар нақшлар билан чатиштириб юборилган табиат манзараларини яратар эканлар, уларга табиатнинг илк бунёдга келган чоғидаги осойишталик ғояси сингдирилган, жаннатдаги боғ-ризвон акс эттирилган, бу эса, ўз ўрнида, тасвирий санъатнинг ислом ақидалари билан чамбарчас бўлишини яна бир қарра таъминлаган.

XVI—XVII асрга келиб сюжетли деворий расмлар деярли чизилмай қўйилди, улар ўрнига орнаментал композиция билан кундал усулида ишлов бериш ривожланди (Бухородаги Баланд мачит, Хожа Зайниддин хонақоси (XVI) ва Абдулазизхон мадрасаси (XVII), Самарқанддаги Тиллакори мадрасаси (XVII) ва бошқалар). Ўлкадаги энг яхши ўрта аср бинолари наққошлик ва безак санъати уйғунлигининг, нақшлар биноларнинг меъморий кўринишига



ҳамоҳанглигининг чинакам намунаси бўлиб хизмат қилади. Оддийгина оро берилган пештоқнинг юқорисида гир атрофи чиройли гул шакли билан ўралган турли - туман паннолар савлат тўкиб туради, куббаларда эса девор гумбазига мос равишда юқорига чиққан сари торайиб борувчи орнаментлар ақлни лол қилади. Ҳар бир композиция ҳажм ва шакл эътибори билан ўзи мустақил бир тугал асар.

**Монуменгал-декоратив** тасвирининг машҳур усталари сирасида Чингиз Аҳмаровни айтмай ўтиб бўлмайди. У Шарқ миниатюрасининг энг яхши намуналаридан ҳамда Ўрта Осиё халқларининг бадиий меросидан илҳомланиб,

қатор ажойиб асарлар яратди (Самарқанддаги Улуғбек музейида, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида, Шарқшунослик институтида, Тошкентдаги Навоий номидаги метро станциясида, Бухородаги маданият саройида ва ҳоказо). Унинг суратлари психологик маънодорликка, ички жўшқинликка, жозиба ва рухий нафосатга бой. Одам қиёфаларининг ҳавода муаллақ акс этиши, чизикларнинг дутор торидек мусиқийлиги, бўёқларнинг шаффоф тиниқлиги бу рассом мўйқаламига хос хусусиятлардир. Чингиз Аҳмаров ўз асарларида ўзбекхалқининг асрий эстетик орзу - умидларини бадиий ифодалайди ва қадимги замон санъати анъаналарига ҳозирги замон учун хос бўлган шиддаткорлик ва қатъият ғояларини сингдириб юборади.

60-70 йилларда Ўзбекистонда бир гуруҳ ёш монументалчи рассомлар кекса наққошлар билан ҳамкорлик қилдилар. Булар ичида Б. Жалолов, А. ва

В.Ган, Ю.Чернишев, С.Роҳмонов, Э.Назаров, Ф.Сулаймонов, Р.Худайбергенов, А.Алиқуловлар бор. Улар ўз ижодларида табиат гўзалликларини, долзарб меҳнатни тараннум этадилар, ўзларининг она-Ватанга муҳаббатларини намоён қилиб, инсон туйғусини камол топтиришга самарали таъсир кўрсатадилар. Ёш ижодкорлар бунёд этган асарлардан Тошкентдаги тингловчилар Саройи, Урганчдаги театр, Чимёндаги дам олиш уйи, Ўзбекистон Давлат тирих музейи, Консерватория, Сенат саройи, “Туркистон” саройи ва бошқалардаги маҳобатли рангасвир безаклар ўзларининг оригиналлиги билан диққатни жалб этади.

Беҳисоб ва ранг - баранг деворий асарларни кўздан кечирар экансан, рассомлар хаёл дунёсининг нақадар кенглигига тасанно айтмай туролмайсан,



киши. Чинакам санъат устаси бўлган одамгина мана шундай асарлар яратиши ва шундай асарларгина янги - янги санъат усталарини тарбиялаши мумкин. Ўзбек халқи икки минг йил давомида монументал - декоратив ва амалий санъатнинг шундай ажойиб намуналарини яратди ва яратмоқдаки, улар ўзларининг юксак бадиий маҳорат ва назокат ила ижро этилишлари билан бугунги кунда ҳам кишиларни ҳайратга солмоқда. Кўп йиллик тажрибалар, олмос истеъдод ва халқ тафаккури билан йўғрилган ҳар бир чинакам санъат асари ранглар сеҳр - жодуси билан қалбимизга илҳом

бағишлаб, маънавий дунёмизни янада бойитади.

Маҳобатли рангасвир турларидан икки **рангли мозаика** ва ўймакорликнинг бошқа намуналари ҳам қўлланилган бўлиб, **сграффито** усулидаги икки қатламли нафис ўймакорлик шулар жумласидандир. Кейинчалик **қўйма ганч** ҳам таомилга кириб келган.

